



XASR

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган, e-mail: axborotXXlasr@yahoo.com, web sayt: www.21asr.uz


IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2012 йил 4 октябрь, пайшанба, 40 (464)-сон



Депутатлик ва жамоатчилик назорати кучайтирилмоқда

4 ПАРТИЯ ҲАЁТИ



Қишлоқ мулкдорининг яқин кўмакчиси

6 ИҚТИСОДИЁТ



Экологик вазият башариёт муаммосига айланди

7 ХАЛҚАРО ҲАЁТ

Олий Мажлисда



СИЁСИЙ МОДЕРНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ ВА АКТ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан ҳамкорликда «Сиёсий модернизация жараёнларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг долзарб масалалари»га бағишланган илмий-амалий конференция ўтказди

«Пахта - 2012»

ПАХТАКОРЛАРГА — МАДАНИЙ ХИЗМАТ

Жиззах вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси томонидан пахта йиғим-теримида қатнашадиган теримчиларга маданий хизмат кўрсатиш мақсадида маданий-маърифий учрашувлар ва концерт дастурлари ташкил этилмоқда. Маданий-маърифий гуруҳ аъзоларининг Мирзачўл туманидаги «Янгидала» сувдан фойдаланувчилар уюшмаси худудида теримчилар билан ўтказган «Қадри баланд пахтакорлар» мавзусидаги учрашуви ҳам кўтаринки руҳда ўтди. Тадбирда пахтакорлар меҳнати улуғлиги, уларга пахта ниҳонини нест-нобуд қилмасдан йиғиб-териб олишда фаол иштирок этаётганлари учун миннатдорлик билдирилди. Учрашууда пойтахтдан келган санъаткорлар, вилоят, туман бадий жамоалари иштирокида концерт дастури намойиш этилди. — Йиғим-терим мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш бўйича тузилган тадбирлар асосида учта гуруҳ ҳар кун туманларда бўлиб, теримчиларга маданий хизмат кўрсатмоқда, — дейди вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи вазиасини баҳарувчи Маҳмуд Юсупов. — Бундай маданий-маърифий гуруҳлар таркибига шоир ва ёзувчилар, олимлар, таниқли санъаткорлар, турли кўрик-танловларнинг ғолиби ва совриндорлари киритилган. Бу ўтказилаётган тадбирларнинг ранг-баранглигини таъминлаётди. Бундай учрашуу ва концертлар вилоятнинг барча туманидаги пахта далаларида бўлиб ўтаётди.

93а.

О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасида

«ЎЗБЕКISTONDA ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТНИ АМАЛГА ОШИРИШДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИ» МАВЗУДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ТАРАҚҚИЁТНИНГ «ЎЗБЕК МОДЕЛИ» НАТИЖАЛАРИНИ ЯНА БИР ҚАРРА ДУНЁГА НАМОЙИШ ҚИЛДИ

Зеро, дунёнинг кўплаб мамлакатлари иқтисодиётини тобора чигаллаштираётган омилар, хусусан, молиявий-иқтисодий беқарорликлар туфайли юзага келадиган ноҳуш ҳолатлар тадрижий ривожланиш йўлидан собитқадамлик билан бориш, иқтисодиётнинг реал секторини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни

изчил қўллаб-қувватлаш — ана шундай бир пайтда энг тўғри йўл эканини кўрсатди. О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг партия фракцияси билан ҳамкорликда ташкил этган «О'zLiDePнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга

оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференциядаги нутқидан келиб чиқадиган вазифарлари»га бағишланган сайёр йиғилишида ҳам айна шу масала атрофлича муҳокама этилиб, Юртбошимиз маърузаси ва анжуман хулосаларида билдирилган фикр-мулоҳазалар

О'zLiDeP учун дастурий ҳужжат экани алоҳида таъкидланди. Маълумки, истиқлол йиллари Ўзбекистонда изчил ўсиш суръатларини таъминлаб берган яхлит тизим яратилгани, мамлакатни модернизация қилиш йўлидаги дадил қадамлар туфайли ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 3,5 баробарни,

аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 2,5 баробарни, аҳолининг реал даромадлари 3,8 баробарни ташкил этди. Ана шу даврда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга йўналтирилган давлат харажатлари 5 баробарга кўпайди. Бу рақамлар халқаро таҳлилчиларга Ўзбекистондаги ҳақиқий ҳаёт ҳақиқатини кўриш имконини бераётди.

2008-2011 йилларда аксарият давлатларда ишлаб чиқариш суръатлари кескин пасайган бир вақтда ҳам республикамизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 2008 йилда 9 фойз, 2009 йилда 8,1 фойз, 2010 йилда 8,5 фойз, 2011 йилда 8,3 фойзни ташкил этди.

3 >>>

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаровонлик асосидир




Бунёдкорлик

Хоразмда ўрта қатламга кенг йўл берилмоқда

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотлар, соҳани ривожлантиришга қаратилган қонунлар, фармон ва қарорлар туфайли Хоразмда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вилоят иқтисодиётида муҳим ўрин эгалламоқда

Энг муҳими, бундай натижалар 1,6 млн дан зиёд хоразмликлар ҳаётида ўз аксини топаётди. Соҳа мутахассисларининг фикрича, айна пайтда вилоятдаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тузилмалари сони 30 мингдан ошган. 2011 йилда улар фаолиятига банклар томонидан 155,5 миллиард сўмлик кредитлар, шу жумладан, 9,9 миллиард сўмлик хориж сармояси йўналтирил-

ган. Ўтган йили тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш эвазига 20604 та янги иш ўрни яратилган бўлса, унинг 17829 таси қишлоқ жойларига тўғри келди. Шу ўринда 2011 йили вилоятнинг ташқи савдо айланмаси 291,4 миллион АҚШ долларини, экспорт ҳажми эса 206,2 миллион АҚШ долларини ташкил этганини таъкидлаш жоиз. Ўтган йили худудий инвестиция дастурига кўра, 94 та истиқболли лойиҳа амалга оширилиб, 41,8 миллион



АҚШ доллари миқдоридagi сармоя ўзлаштирилгани эвазига 1380 та янги иш ўрни яратилди.

2 >>>



ЯНГИ ҲАМКОРЛАР ТОНИШ УЧУН ЯХШИ ИМКОНИЯТ

Тошкентда FoodExpo / FoodTek / PackTek / AgriTek Uzbekistan - 2012 озик-овқат, ичимликлар, қадоклаш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари 17-анъанавий халқаро кўргазмаси очилди.

Унда Венгрия, Голландия, Германия, Хиндистон, Италия, Қозоғистон, Хитой, Лихтенштейн, Польша, Россия, Сурия, Туркия ва Украина каби 14 дан зиёд хорижий давлатлар, шунингдек, юртимизнинг озик-овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳамда уларни ишлаб чиқариш ва қадоклашга ихтисослашган 50 дан ортиқ компаниялари иштирок этмоқда. Уч кун давом этадиган нуфузли кўргазмада маҳаллий ва хорижий компания вакиллари соҳадаги янги технологиялар билан танишиш, янги бизнес ҳамкорларни топиш ва ўзаро манфаатли битимлар тузиш имконига эга бўладилар.

ЮБИЛЕЙГА МУНОСИБ СОВГА

Мамлакатимиз чарм тўп усталари ўзбек футболининг 100 йиллик тўйига мухлислар учун муносиб совға ҳозирлаш имкониятини қўлга киритдилар. Дилшод Нуралиёв мураббийлигидаги Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Эронда давом этаётган Осиё чемпионатида мезбонларни 3:2 ҳисобида енгиб, финалга йўл олган бўлса, Осиё чемпионлар лигаси чорак финал учрашувида Тошкентнинг «Бунёдкор» жамоаси худди шу ҳисобда



«Аделаида Юнайтед» (Австралия) клубини мағлубиятга учратди. Таъкидлаб ўтиш жоиз: ўсмирларимиз 6 октябрь кунини бўлиб ўтадиган финал ўйинида япониялик тендошлари билан беллашадилар. Миржалол Қосимов бошчилигидаги «қалдирғочлар» эса 24 октябрь кунини ярим финал баҳсида «Ал Хилол» (С.Арабистони) - «Ульсан Хундай» (Ж.Корея) жуплиги ғолибига қарши майдонга тушади.

АНЪАНАВИЙ КЎРГАЗМА ИШ БОШЛАДИ

«Ўзэкспомарказ»да «Ўзмедэкспо - 2012» халқаро ихтисослаштирилган тиббиёт кўргазмаси иш бошлади. Унда кўпгина хорижий давлатларнинг тиббий техника, дори-дармон воситалари ва стоматологик асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчи компаниялари ҳамда дистрибуторлари ўз маҳсулотлари ва хизматларини намойиш этмоқдалар. Бешинчи бор ташкил этилаётган мазкур тадбир иштирокчилари орасида юртимиз бозориди ўз ўрнини топа олган Россия, Украина, Беларусь, Хиндистон, Жанубий Корея, Чехия, Туркия, Швейцария, Италия ва Германия компаниялари билан бир қаторда эндигина мамлакатимизга ўз маҳсулотини ва хизматларини келиб қилишни мўлжаллаётган чет эл корхоналари ҳам бор. Бу ҳам бўлса, Ўзбекистонда инвестицион муҳитнинг йил сайин яхшиланиб бораётганининг исботи, дейиш мумкин.



Эртага ўз ишини яқунловчи ушбу халқаро тадбирда соҳа мутахассислари ўзаро тажриба алмашишлари билан бир қаторда соҳага оид янгиликлар ва замонавий ускуналар билан танишмоқдалар.

6

ШУ СОНДА:

ХДП БАНКЛАР ФАОЛИЯТИДА ҲАМ ДАВЛАТ НАЗОРАТИНИ КУЧАЙТИРИШНИ ТАЛАБ ЭТМОҚДА

Сиёсий модернизация жараёнлари ва АКТ



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Озод РАЖАБОВ, XXI ASR

Маълумки, «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да давлат ва жамият қурилиши тизимида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш соҳани янада ислоҳ этишининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб берилди. Бинобарин, АКТ мамлакатимизнинг иқтисодий ривожлантиришида тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Мустақиллик йиллари Ўзбекистонда мобил алоқа, рақамли телевидение, интернет хизмати сингари ахборот-коммуникация тармоқларини жаҳон андозаларига мослаштириш мақсадида мустақам ҳуқуқий база яратилди, — дейди кўмита раиси, О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Абдурашид Жўрабоев. — Хусусан, ўтган давр ичида ушбу соҳага оид 11 та қонун, 3 та фармон ва 40 дан зиёд қарор қабул қилинди. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида қўзғолиш ҳужжат айланиши 80 фоизга етгани, 280709 та электрон рақамли имзо қилиниши, 1050 тадан ошди. Қарийб 200 та давлат ахборот-ресурс марказларида аҳолига 197 турдаги интерактив хизматлар кўрсатишмоқда.

— Мамлакат иқтисодий салоҳиятини барқарор ривожлантиришда бу соҳанинг ўрни ва аҳамияти йилдан-йилга юксалиб бормоқда, — дейди Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори ўринбосари Шухрат Атамўхамедов. — Жумладан, кейинги пайтларда тизимдаги компанияларда хизмат кўрсатиш сифати ҳам, ҳажми ҳам ошди, янги технологиялар ва инновацион лойиҳалар жамият ҳаётининг барча жабҳаларига кенг татбиқ қилинмоқда. Қувонарли томони шундаки, Президентимизнинг 2012 йил 21 мартдаги «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори соҳадаги ислохотларнинг сифат жиҳатдан янги босқични бошлаб берди.

Илмий-амалий анжуманда «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси бош директори ўринбосари Қасимов Илдошов «Телекоммуникация инфратузимида янада ривожлантириш — аҳолининг кенг тармоқли интернетдан самарали фойдаланиш омил» мавзусида маъруза қилган бўлса, «UZINFOCOM» маркази бош мутахассиси Алижон Назаров «Хукумат портали орқали тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига интерактив давлат хизматлари кўрсатишни ривожлантириш масалалари»га эътибор қаратди.

— Бугунги муҳокамалар жараёнида ахборот технологиялари бозорининг таркибий қисми бўлган дастурий таъминот индустриясини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш юзасидан ҳам аниқ таклиф ва тавсиялар билдирилди, — дейди О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Зилола Собирова. — Бундай ишланмаларни яратиш ва уларни етказиб бериш борасида давлат буюртмаларидан фойдаланиш, дастурий таъминот индустриясига йўналтирилган сармояларни ҳуқуқий жиҳатдан рағбатлантиришнинг қўллаб-қувватлаш бўйича мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш бу борадаги муҳим чоралардан бири экани эътироф этилди.

Айни пайтда шиддатли замоннинг ўзи АКТ тизимида оммавий ахборот воситаларининг ўрнини янада мустақамлаш ва зифасини олдимишга қатъий қилиб қўймоқда. Соҳани янада эркинлаштириш, нодавлат, юртимизда ва хорижда содир бўлаётган фаолиятини жонлантириш ислохотларнинг очиқ ва ошқоралигини таъминлашда долзарб масалалар сирасига киради.

Шу маънода, миллий ахборот маконини ривожланган давлатлар эришган даражага кўтариш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ички ва ташқи сиёсатни, юртимизда ва хорижда содир бўлаётган воқеаларни фикрлар хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда ёритиш имконини берадиган шарт-шароитларни яратиш учун соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш мақсадида Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлаш жоиз. Хусусан, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очкилиги тўғрисида», «Телерадиоташқиришлар тўғрисида», «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари


Ҳозирги шароитда асосий эътибор медиа-тармоқлар, матбаачилик корхоналарини ахборот-коммуникация соҳасидаги энг янги ютуқлар асосида яратилган техника ва асбоб-ускуналар билан таъминлаш масалаларига қаратилиши зарур. Партия ахборот макониде бозор муносабатларини ривожлантириш ҳамда матбуотнинг мулкчилик шакли, адади, қамрови ва мавзу йўналишидан қатъи назар, барча қатнашчилар ўртасида адолатли рақобат бўлиши тарафдоридир.

О'зЛиДеР Сайловолди дастури (платформасидан)

тўғрисида» ва «Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаларини пишиқ-пухта ишлаб чиқиш бўйича кўмитада экспертлар гуруҳи тузилган бўлиб, унга депутатлардан ташқари турли вазирлик ва идоралар вакиллари, ахборот соҳасининг тажрибали мутахассислари ҳамда ҳуқуқшунос олимлар жалб этилган.

— Ўтган даврда мазкур гуруҳ оммавий ахборот воситалари ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солуви 20 та қонун, 50 дан зиёд қонунности ҳужжатларини ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан инвентаризация қилди, — дейди О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Фахриддин Солиев. — Унда миллий қонунчиликнинг билан бир қаторда Англия, АКШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Жапония, Япония ва бошқа хорижий давлатларнинг қонун ҳужжатлари қиёсий таҳлил қилинди. Айни пайтда эса мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ташқи этилаётган конференциялар, давра суҳбатлари ва семинарларда ушбу қонун лойиҳалари жамоатчилик экспертизасидан ўтказилмоқда. Шунингдек, ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш бўйича ҳуқуқий кафолатларни янада мустақамлаш, кўмита аъзоларининг қонун ташаббускорлигини ошириш, ахборот соҳасига оид қонунлар ижросини сўзсиз таъминлаш мақсадида ҳуқуқий қўллаш амалиётини, қонунларни ижро этиш механизмининг такомиллаштиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар ҳам қўриллапти.

Қизгин баҳс-мунозара ва савол-жавоб тарзида ўтган таъбир якунида муҳокама қилинган масалалар юзасидан аниқ таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилди.



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Янгибой КЎЧҚОРОВ, XXI ASR

Аҳолини иш билан таъминлашда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси етакчи ўринни эгаллаётгани ҳам ўрта қатламнинг мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланаётганидан далолат берапти. Таҳлилчилар ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида жами хизматлар улуши 43,2 фоизга етгани, 2011 йилда 384 та янги хизмат кўрсатиш шохобчаси ташкил этилганига эътибор қаратмоқдалар. Соҳага 7,9 миллиард сўм сармоя сарфлангани ҳам юқоридаги фикрларни тасдиқлаши мумкин. Бу борада Хива тумани пешқадамликни қўлдан бермапти. Худудда 2380 ўринлик 17 та меҳмонхона бўлиб, жаҳон андозаларига жавоб берадиган «Malika-Khiva» ва «Asia-Khiva» каби меҳмонхоналар жаҳоннинг турли мамлакатларидан келган сайёҳлар меҳрини қозонмоқда.

Жаҳон тамаддунининг олтин бешикларидан бири ҳисобланган Хивада 23 та мактабгача таълим муассасаси бўлиб, уларда 1847 нафар, 60 та умумтаълим мактабиде 34226 нафар, 10 та коллежда 12030 нафар ёшлар таълим олмоқда. 1 та замонавий кинотеатр, 2 та маданият саройи, 17 та ахборот-ресурс маркази, 3 та стадион, 56 та спорт зали, 2525 та спорт майдончаси ҳам улар ихтиёрида. Болалар спортга берилаётган эътибор туфайли ёш ав-

Хоразмда ўрта қатламга кенг йўл берилмоқда

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

лоднинг саломатлиги ҳар томонлама мустақамланмоқда. — Мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳаларида амалга оширилаётган туб ислохотлар нафасини қалимий ва навқирон Хоразмдаги ўзгаришларда ҳам сезиш мумкин, — дейди Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Хоразм

турли ўлчамдаги миҳ ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлса, Богот шаҳарчасидаги «Yavmut Nihol» МЧЖ ўндан ортиқ турдаги атир совунларни харидорларга етказиб бермоқда. «Хонқа Baraka qor» эса кунига 15 минг дон сифатли қоп тайёрлаб, ўз маҳсулотини Қўнғирот сода заводига етказ-

ари, туман корхоналарида гипроскопик тиббиёт мотиғи ҳам ишлаб чиқарилапти. Қўриниб турибдики, туман фермерлари лешона тери билан етиштириётган пахта хом ашёсининг асосий қисми ўзинида тайёр маҳсулотга айлан-тириллапти. Мавжуд имкониятлар туфайли кичик бизнес

ТАҲЛИЛЧИЛАР ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ ҲАЖМИДА ЖАМИ ХИЗМАТЛАР УЛУШИ 43,2 ФОИЗГА ЕТГАНИ, 2011 ЙИЛДА 384 ТА ЯНГИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ШОҲОБЧАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНГА ЭЪТИБОР ҚАРАТМОҚДАЛАР. СОҲАГА 7,9 МИЛЛИАРД СЎМ САРМОЯ САРФЛАНГАНИ ҲАМ ЮҚОРИДАГИ ФИКРЛАРНИ ТАСДИҚЛАШИ МУМКИН

вилоят кенгаши раиси Фафур Жуманиёзов. — Бундай янгиликларда вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаётида фаоллик кўрсатаётган 9891 нафар партия аъзосининг ҳам ўзига хос улуши бор. 708 та бошланғич ташкилот Хоразмда яратулиши ишларида етакчилик қилаётган электротар манфадини ҳар томонлама фаоллаштиришга интилоқда. Маҳаллий кенгашлардаги депутатлар, партия аъзоларининг оддий аъзолари ҳам янги иш ўринлари яратиш, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, хориж сармояларини ўзлаштириш, жамиятда демократик қадриятларни қарор топтириш жараёнида фаоллик кўрсатаётганлар.

Ҳақиқатдан ҳам, тадбиркорлик борасида улкан натижалар қайд этилаётган Хоразмда кейинги йилларда юзлаб янги корхоналар ишга туширилди, бу ўз-ўзидан воҳа аҳолиси фаровонлигини юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда. Мана, бир мисол. 2009 йили ташкил этилган «Xazorasp Nur» масъулияти чекланган жамиятида қурилишда муҳим ҳисобланган

зиб борапти. Ҳазораспдаги «Sulaymon plast» масъулияти чекланган жамияти 10 турдан ортиқ полиэтилен пакетлар, саватлар ишлаб чиқармоқда. Урганчдаги «Al-Beuzim» корхонасида «TMAI» русумини таъминловчи трансформаторлар, ўнга яқин турдаги трансформатор подстанциялари жамланмалари ишлаб чиқарилапти. Корхона мижозлари сони эса кун сайин ортиб бормоқда. Ана шундай фикрни «Ferguz-Xorezm», «Darilat SHOES», «Megasfera», «Xiva mebel», «Xorazm gilamlari», «Cilayon Tashkent», «Urganch-yog», «Shovot-boyan» сингари ўнлаб sanoat korxonalari tўғрисида ҳам айтиш мумкин. Бундай корхоналар маҳсулот сифати рақобатбардошлиги билан ҳам вилоятнинг экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқдалар. Соҳа мутаассадилари 2011 йилда республика маҳаллийлаштириш дастурига қўра, вилоятда 5 миллиард 191 миллион сўмлик қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришни натижасида 2,8 миллион АҚШ доллари миқдоридеги валюта тежаб қолганини таъкидла-птилар. Умуман, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»да ялпи ҳудудий маҳсулот 2010 йилга нисбатан 108,4 фоизга ошди. Унда sanoat ulushi эса 8,3 фоизни ташкил этди.

ва хусусий тадбиркорликни ҳам ҳам томонлама қўллаб-қувватлашмоқда.

Хоразм ва хоразмликлар ҳақида сўз кетганда матонатли деҳқонлар, фидойи фермерлар фаолиятига алоҳида тўхталиш лозим бўлади. Чунки бу ҳудудда деҳқончилик билан шугулланишнинг ўзига хос қийинчиликлари борлигини яхши биламиз. Айни кунда вилоятда 4681 та фермер хўжалиғи бўлиб, уларга 236,1 минг гектар ер ажратиб берилган. Фермерларнинг пахтачилик ва дон етиштиришдаги тажрибалари ҳаммага маълум, албатта. Шунинг учун ҳам 2011 йили вилоятда 617,7 миллиард сўмлик чорвачилик маҳсулотлари етиштирилганини эътироф этиш лозим. Айниқса, вилоятда паррандачилик ҳар қачонгидан жadal тараққий этаётганини фермерлар қувониб тилга ола-птилар. «Хивапаррандачилик» масъулияти чекланган жамияти бир кунда 108 минг дон сара, оқсилга бой тухум еткази-ши бераётган бўлса, «Tillo Domo» хусусий корхонасининг пишлоқлари вилоятдан ташқарига ҳам харидоргир маҳсулотга айланди.

— Жорий йили воҳада оқар сув мўл бўлди, — дейди «Гурлансавдо» шўъба корхонаси раҳбари Шериммат Алимов. — Дарёга инган баракат далаларимизга, боғларимизга, поли-ларимизга қўчди. Бу йил мева, полиз, сабзавот мўл. Бозор қондалари шундайки, биз уларни мақбул муддатлар-да хорижга экспорт қилишим-из, шунингдек, қиш мавсу-ми учун сақлаб қуйишимиз керак. Шу мақсадда Жанубий Кореянинг «Wongvand S T Co» компаниясидан 140 тон-налик сифимга эга, 3 камера-ли музлаткич сотиб олдик. Бу хоразмлик боғдорларнинг ви-зюасидан аниқ тадбирлар амалга оширилмоқда. Ҳозир ҳудудимиздаги 4 та йирик қўшма корхона пахта толаси негизда рақобатбардош маҳ-сулот ишлаб чиқарапти.

Бир сўз билан айтганда, бугун эркин ва обод Ватан равнақиға муносиб улуш бўлса, «Kottontex» ва «Kobotex» қўшма корхонала-ри маҳсулотига болган талаб охиб бормоқда. Бундан ташқ-

«Art Week Style.uz - 2012»

ЗАМОН ВА МАКОН БИЛМАС САНЪАТ

«Олтин Гепард» иккинчи халқаро Тошкент кинофоруми доирасида «Замонавий кино: макон, замон, қалб» мавзусида илмий анжуман бўлиб ўтди. Унда киношунос олимлар, экспертлар, режиссёрлар, продюсерлар, актёрлар, хорижий мутахассислар қатнашди.

«Олтин Гепард» иккинчи халқаро Тошкент кинофоруми бош директори А.Ҳақимов, киношунос Н.Каримова ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда санъатнинг барча турлари қатори кинематографияни ҳам ривожлантириш, киноижодкорларни қўллаб-қувватлаш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Еш сценарийнавислар, актёр ва режиссёрларни тарбиялаш, уларнинг ижодий имкониятларини рўбга чиқаришга кўмаклашиш — доимий эътиборда.

Айниқса, фоғлар ўртасидаги кураш кескинлашаётган, «оммавий маданият»нинг турли зарарли таъсирлари ёшлар онги ва тафаккурига таҳдид солаётган бугунги мураккаб глобаллашув шароитида кино санъатини ривожлантириш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу эса миллий кино санъатининг энг яхши аъёнларини изчил давом эттириш ва бойитиш, замонавий билим ва миллий қадриятлар уйғунлигини теран англаган юксак малакали мутахассисларни тайёрлаш билан чамбарчас боғлиқ.

Бу соҳада халқаро ҳамкорлик кўламининг тобора кенгайиб бораётгани киноижодкорлар учун ўзаро фикр ва тажриба алмашиш имконини яратмоқда. Ўзбек фильмлари қўллаб-қувватлаш фестиваллари ва халқаро кўрик-танловларда совринли ўринларга сазовор бўлаётгани миллий кино санъатимиз изчил ривожланиш далолидир.

— Ўзбек фильмлари миллий рух, юксак гуманизм ва халқнинг эзгу орзу-интилоқларини ёрқин акс эттириши билан гоёат қадрли, — дейди хитойлик режиссёр Жо Мин Хуажо хоним. — Аслида ҳам замон ва макон оша инсон қалбиде эзгу туйғуларни уйғотиш кино санъатининг бирламчи ва асосий мақсади. Бу ёшлар тарбиясида ҳам катта аҳамиятга эга.

— «Олтин Гепард» иккинчи халқаро Тошкент кинофоруми ташкилий, бадий жиҳатдан кўтаринки руҳ ва юқори савияда ўтмоқда, — дейди америкалик режиссёр Тейлор Кеннеди. — Кинофорум доирасидаги тадбирларнинг аксарият иштирокчилари — талаба-ёшлар. Бу Ўзбекистон ёшлар мамлакати эканидан далолатдир. Айни пайтда йигит-қизларнинг фаоллиги, кино соҳасига оид янгиликларни ўрганишга иштиёқчанлиги ўзбек кино санъатининг порлоқ келажакига ишонч уйғотади.

Анжуманда Ўзбекистон ва жаҳон кинематографиясидаги бугунги ижодий жараёнлар, соҳадаги ҳамкорликнинг янги истиқболларига оид маърузалар тингланди ва атрафлича муҳокама этилди.

Назозат УСМОНОВА, Ўза мухбири

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаровонлик асосидир

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада



— О'zLiDeP Президентимизнинг халқаро анжумандаги маърузасини партия учун Дастуриламал, деб қабул қилади, — деди сайёр йиғилишда О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Мухаммадсўф Тешабоев.

— Чунки унда жамият тараққийотининг янги босқичида иқтисодиётнинг энг муҳим сектори ва демократиянинг асоси бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш ва унга янада устувор аҳамият қаратишни назарда тутувчи янги принцип ва устуворликлар белгилаб берилган.



— Президентимиз Концепцияси ўз моҳиятига кўра давлат ва жамият ривожининг принциплар жиҳатдан янги босқични бошлаб берди, — деди йиғилишда О'zLiDeP фракцияси раҳбари Бахтиёр Якубов.

— Бу Концепцияни айна пайтда мамлакатни модернизация қилиш бўйича бошланган кенг кўламли ишларни изчил давом эттириш миллий дастури, дея аташ мумкин.

Ушбу муҳим ҳужжат Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятини ҳам янги сифат даражасига кўтардики, бу



— 2005-2011 йилларда мамлакатимиз иқтисодиётида 5 млн.дан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилган бўлса, унинг 60 фоиздан ортиғи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан яратилди, — деди «Техкафолат Люкс» МЧЖ раҳбари Аҳмад Некбаев.

Қолаверса, унда глобал молиявий-иқтисодий инқироз оқибатларини олдини олиш ҳамда бартараф этишда бозорни зарур товар ва хизматлар билан тўлдиришнинг асосий манбаи бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг Ўзбекистон тажрибаси илмий асосларда таҳлил этиб берилди.

Шунинг учун ҳам О'zLiDeP маърузада белгилаб берилган устуворликларни изчил ҳаётга татбиқ этиш учун партиянинг махсус комплекс чора-тадбирлар Дастурига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳамда уни Сиёсий Кенгашда кўриб чиқиш лозим, деб ҳисоблайди.

Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда янада ривожлантириш юзасидан аниқ вазибалар белгилаб олиш мақсадга мувофиқдир.

О'zLiDeP ўрта қатлам манфаатини ҳимоя қилаётган сиёсий куч сифатида бугунгача эришилган натижалар келгуси режалар учун мустақ

кам пойдевор вазифасини ўташини, соҳанинг қонунчилик базасини янада такомиллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка қўшимча имтиёз ва преференциялар бериш мамлакатда бандлик масаласини изчил ҳал этиш орқали аҳоли фаровонлигини янада ошириш имконини кенгайтиради, деб ҳисоблайди.

Бунда биз асосий эътиборни «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгилаб берилган устувор йўналишлар ва қонунчилик ташаббусларининг ижросига қаратишимиз лозим. Чунки мазкур ҳужжатда демократиянинг асоси бўлган ўрта қатлам учун кенг имконият ва имтиёзлар яратишнинг устувор йўналишлари кўрсатиб берилган. Бугунги йиғилиш шу маънода ҳам О'zLiDeP ва унинг ҳудудий ташкилотлари фаолиятини тубдан ўзгартириш ва давр талабларига мослаштиришга хизмат қилади.

қабул қилинаётган қонун ҳужжатларида яққол кўзга ташланмоқда. Зеро, қонунларнинг ҳаётлигини таъминлашда юзлаб тадбиркор ва ишбилармонлар иштирок этган учрашув ва давра суҳбатлари муҳим роль ўйнаганини таъкидлаш лозим.

Президентимиз таъкидлаганидек, қонунларнинг қабул қилиниши қанчалар муҳим бўлса, улар ижросини таъминлаш ундан ҳам муҳим жараён. Шу маънода, кейинги 2,5 йил ичида О'zLiDeP фракцияси аъзолари етакчилик қилаётган 4 та кўмита томонидан ўтказилган 56 та назорат-таҳлил тадбири, 17 та кўмита эшитувларида қонун лойиҳаларини такомиллаштириш баробарида уларнинг соҳа ва тизимларда қўлланилиши масалалари ҳам атрофлича муҳокама қилинди. Шу ўринда Президентимизнинг халқаро конференциядаги нутқидан келиб чиқиб, фракциямиз аъзолари ўзларини муҳим йўналишларни белгилаб олганларини таъкидлашнинг истадири.

Хуш, айна пайтда фракциямиз олдида қа

дай вазибалар турибди?

Энг аввало, Концепцияда белгилаб берилган қонун лойиҳаларини тез ва сифатли қабул қилиш, бунда соҳага оид қонунчиликни ҳам танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқиш аниқса муҳимдир. Депутатларимизнинг қонунчилик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ҳам асосий вазибалардан ҳисобланади.

Парламентнинг ўтган даврдаги фаолиятини таҳлил этсак, унда қабул қилинган ва ҳаётимизга кенг жорий этилган аксарият қонунлар иқтисодиёт ва тадбиркорлик соҳасига оид эканини кўра

миз. Президентимиз нутқидан келиб чиқиб, бу соҳани янада ривожлантиришда зиммаимизга жуда катта масъулият юклатилаётганини аниқлаб етдик.

Ҳақиқатан ҳам, сайёр йиғилиш иштирокчилари бугунгача қўлга киритилган натижалар билан қаноатланмай, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни изчил ривожлантириш, соҳага оид қонунчиликни янада такомиллаштириш лозимлигини қайта-қайта таъкидладилар.

катда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг яхлит тизими яратилгани, хусусан, бу тизим ўз ичига вакиллик органлари, давлат ташкилотлари, суд ҳокимияти ва фуқаролик жамияти институтларини қамраб олгани ҳам бош омил бўлганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Аммо шунга қарамай, биз — ўрта синф манфаатини ҳимоя қилаётган сиёсий куч вакиллари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини қўллаб-қувватлайдиган институционал ва бозор инфратузилмасини шакллантиришга қаратилган эътиборни янада кучайтиришимиз лозим. Бунинг учун, энг аввало, тадбиркорлик тузилмалари фаолиятини изчил ўрганиш, уларнинг таклиф ва мулоҳазаларини қонунларга айлантиришимиз лозим.



ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ УМУММИЛЛИЙ СИЁСИЙ ТАШКИЛОТ СИФАТИДА МУЛҚДОРЛАР КАТЛАМИ, КИЧИК БИЗНЕС, ФЕРМЕРЛИК ВА ДЕХҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ВАКИЛЛАРИ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАРИ ВА БОШҚАРУВ ХОДИМЛАРИ, ИШБИЛАРМОНЛАР МАНФААТЛАРИНИ ИФОДАЛАЙДИ.

О'ZLIDEP ДАСТУРИДАН.



— Халқаро конференция тадбиркор ва ишбилармонларимиз қўлга киритаётган улкан натижаларнинг яна бир эътирофи бўлди, — деди йиғилишда О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси ўринбосари Мухлиса Ақромова.

— Бундай масъулиятли жараёнда ўз куч ва имкониятларини халқ фаровонлиги, юртимиз равио ва мамлакатимиз тараққийотига сафарбар этаётган опа-сингилларимиз кўпчилигини ташкил этаётгани кувонарли хол, ал



— Бу жараёнда маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари фаолиятини янада кучайтириш лозим, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О'zLiDeP фракцияси аъзоси Насим Алимов.

Мажлисда, шунингдек, Ижроия кўмита аъзолари А.Алимов, Р.Охунов, А.Каримов, халқаро конференция иштирокчилари Г.Шукурова ва Н.Исраилова ҳам сўзга чиқиб, билдирилган таклиф ва мулоҳазалар асосида Президентимизнинг халқаро конференциядаги нутқидан келиб чиқиб, О'zLiDePнинг комплекс чора-тадбирлар Дастурига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан ишчи гуруҳ тузиш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватладилар. Йиғилиш қатнашчилари ишчи гуруҳи томонидан тайёрланган масалаларни О'zLiDeP Сиёсий Кенгашининг навбатдаги мажлисида муҳокама қилишга келишиб олдилар. Шунингдек, йиғилишда мамлакатимиз тадбиркорлари учун яратилган шарт-шароит, улар учун берилган имтиёз ва преференциялар ҳақида кенг маълумот берувчи «Ўзбекистон тадбиркорлари: кеча ва бугун» китобини тайёрлаш тўғрисидаги таклиф ҳам маъқулланди. Бундан ташқари, йиғилиш қарориди О'zLiDePнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳи фаолиятини кучайтириш лозимлиги белгиланди.

М.АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.

Партиявий лойиҳа

«Агар мен депутат бўлсам...»

О'zLiDePнинг «Парламентда менинг ўрним» лойиҳаси доирасида ўтказилаётган «Агар мен депутат бўлсам...» кўрик-танловида 18 дан 30 ёшгача бўлган интеллектуал салоҳиятга эга ёшлар фаол иштирок этмоқдалар

Шухрат РАХИМОВ, «XXI ASR»

Икки йил давомида кўлаб ёшлар эътиборини қозongan мазкур лойиҳанинг 2011 йилдаги натижаларига эътибор қаратсак, унда 10 минг нафарга яқин йигит-қиз қатнашганини кўраимиз. Энг муҳими, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан фаол, замонавий фикрлайдиган ана шу ёшларнинг қарийб 700 нафари партиянинг қарлар захирасига олди.

«Агар мен депутат бўлсам...» кўрик-танловининг Навоий вилоят босқичи ҳам юқори савияда ташкил этилди. Ҳакамлар томонидан иштирокчиларнинг бўлажак депутат сифатидаги чиқишлари, партиявий вазибаларни қандай амалга ошириш, ишлаб чиқиладиган ҳуқуқий асослар аҳамияти, хорижий тилларни пухта ўзлаштириш, ўзи танлаган тадбиркорлик йўналиши бўйича бажарган ишларига алоҳида эътибор қаратилди.

КўРИК-ТАНЛОВНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ О'ZLIDEPНИНГ САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИ (ПЛАТФОРМАСИ)ДА БЕЛГИЛАНГАНДЕК, АМАЛДАГИ ҚОНУНЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШINI ҚИЙИНЛАШТИРАДИГАН ҚОНУНОСТИ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ҚИСҚАРТИРИШ БОРАСИДАГИ МАСАЛАЛАРНИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР СЕССИЯЛАРИ КҮН ТАРТИБИГА ОЛИБ ЧИҚИШ АМАЛИЁТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАН ИБОРАТДИР.

— Танловда қатнашаётган ҳар бир ёш келажагимиз бўнаёқори, миллий парламентиимизнинг бўлажак халқ ноибларидир, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О'zLiDeP фракцияси аъзоси Фахриддин Солиев. — Улар ўзларининг сайловолди платформаларидан келиб чиқиб, электрот билан бўладиган учрашувлардаги фикрлари, тарқатма материалларини тақдим қилдилар. Бу борадаги асосий талаблардан бири — электрот манфаатидан келиб чиққан ҳолда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг истиқболлари хусусида сўз юритилиши ҳамда соҳага мавжуд муаммоларни ечиш бўйича аниқ таклифлар тайёрлаш лозим эди. Шунингдек, кўрик-танловда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга банк-молия муассасалари томонидан амалга оширилаётган амалий чора-тадбирлар, бизнес-режаларни молиялаштиришнинг ҳуқуқий асослари ҳамда кредитларни расмийлаштириш жараёнига ҳақида ҳам «сайловчи»ларга батафсил маълумотлар берилди.

О'zLiDeP вилоят кенгаши, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг ҳудудий бўлини маси ва Навоий Давлат педагогика институти профессори ўқитувчиларидан иборат ҳакамлар ҳайъати номзодларнинг ҳар бир чиқишини ҳолисона баҳолаб Навоий шаҳри, Кармана, Нурута, Хатирчи ҳамда Навбахор туманлари вакилларининг танловга пухта ҳозирлик кўрганларини эътироф этишди.

Танлов якунига кўра, биринчи ўринни Навоий Давлат педагогика институти қошидаги 1-сон академик лицей ўқувчиси Элбек Сайфиёв эгаллаган бўлса, иккинчи ва учинчи ўринлар тегишли равишда Навоий шаҳар маланият ва санъат коллежи ўқувчиси Мастура Ҳамраева ва «Машҳура Ленд» ўқув маркази раҳбари Марям Аъзамовага насиб қилди.

Ҳалилар кўрик-танловнинг республика босқичида иштирок этиш учун йўланмалар қўлга киритиш баробарида ташкилотчиларнинг махсус диплом ва эсалик совғалари билан ҳам тақдирландилар.

— Кўрик-танловнинг асосий мақсади О'zLiDePнинг Сайловолди дастури (платформаси)да белгиланганидек, амалдаги қонунларнинг бажарилишини қийинлаштирадиган қонунности ҳужжатларини қисқартириш борасидаги масалаларни маҳаллий кенгашлар сессиялари кун тартибига олиб чиқиш амалиётини шакллантириш экани мени қизиқтиргани учун ҳам ушбу лойиҳада қатнашдим, — деди «Машҳура Ленд» ўқув маркази раҳбари Марям Аъзамова. — Ўйлайманки, у давлат тузилмаларига юқори малакали, либерал-демократик дунёқараш ва замонавий билимларга эга бўлган ёшларнинг кириб келишига ёрдам беради. Чунки танлов иштирокчиларининг шартларига мувофиқ ўз ижодий ишлари орқали депутатлик макомининг ўзига ҳос ўрни ва тутган мавқеини эркин ифодалаб беришга тайёргарлик кўриш жараёнида кўлаб маълумотларни таҳлил қилдилар. Шунингдек, улар ҳудудни ривожлантириш борасидаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг ечимини топиш бўйича ўз фикрини баён этиши, жамият бошқарувида нодавлат нотижорат ташкилотлари ролини янада кучайтириш борасидаги йўналишларни аниқ белгилаб олишлари керак.

Хулоса қилиб шунини айтиш мумкинки, кўрик-танловнинг 2012 йилнинг ноябрь ойида ўтказилиши режалаштирилган Республика босқичида Навоий вилоятининг кучли ёшлари иштирок этадиган бўдилар.

«XXI ASR» — АНДИЖОН

АНДИЖОН
МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ЭНГ ТЕЗ
ВА БАРҚАРОР
РИВОЖЛАНАЁТГАН
ХУДУДЛАРИДАН БЎЛИБ,
«МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ»ДА
ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАҲСУЛОТ
ҲАЖМИ 2200 МЛРД. СЎМГА
ЕТДИ. ЎСИШ СУРЪАТИ ЭСА 2011
ЙИЛНИНГ ШУ ДАВРИГА
НИСБАТАН 107,2 ФОИЗНИ
ТАШКИЛ ҚИЛДИ. САНОАТ
КОРХОНАЛАРИ ҚУВВАТИДАН
САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ,
БЎШ ТУРГАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
ОБЪЕКТЛАРИГА ЗАМОНАВИЙ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ
ЭТИШ ҲИСОБИГА ЖАМИ 2841,5
МЛРД. СЎМЛИК МАҲСУЛОТ
ИШЛАБ ЧИҚАРИЛДИ.
ШУНИНГДЕК, 950 МЛРД.
СЎМЛИК ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ
МАҲСУЛОТЛАРИ
ЕТИШТИРИЛИБ, ЎСИШ СУРЪАТИ
ЎТГАН ЙИЛНИНГ АЙНИ ДАВРИГА
НИСБАТАН 6,9 ФОИЗНИ
ТАШКИЛ ЭТДИ.

«Худудий партия ташкилотларига»

**Инвестиция дастурлари
асосида биринчи ярим
йилликда ўтган йилнинг шу
даврига нисбатан 1,5 марта
кўп, яъни 519,5 млрд.
сўмлик капитал маблағ
ўзлаштирилди. Энг муҳими,
бу маблағнинг 48,5 фоизи
ишлаб чиқариш, 51,5
фоизи эса ноишлаб
чиқариш соҳаларига
йўналтирилди.
Маҳаллийлаштириш
дастури асосида 107 та
лойиҳа амалга оширилиб,
37 млрд. сўмлик маҳсулот
тайёрланди.**



Депутатлик ва жамоатчилик назорати кучайтирилмоқда

O'zLiDeP Андижон вилоят кенгаши, партиядан сайланган депутатлар ҳам ислохотларнинг бугунги босқичида фаол иштирок этиб, амалдаги қонунлар, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари ижросини назорат қилишга алоҳида этибор қаратмоқдалар. Айниқса, Президентимизнинг «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тadbиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони талабларидан келиб чиқиб, партия фаоллари иқтисодиётни либераллаштириш, корхоналарнинг молия-хўжалик фаолиятига давлат ҳамда назорат органлари аралашувини камайтириш, тadbиркорлар фаолиятига халал бераётган муаммоларни ўрганиш юзасидан изчил ишларни олиб бормоқдалар.

Ана шу муҳим фармоннинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушунириш учун жойларда турли учрашув ва давра суҳбатлари ташкил этилмоқда. Шу кунгача мажмурий тadbирларда 17 мингдан зиёд тadbиркор ва ишбилармон иштирок этди.

Халқ депутатлари Андижон вилоят кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзолари 2012 йилнинг ўтган даврида 41 та учрашув ташкил этиб, уларда 7500 нафар сайловчи билан учрашди.

Ушбу даврда халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашларидаги депутатлар сайловчиларнинг 100 дан ортиқ мурожаатларида қайд этилган муаммолар масалаларни ижобий ҳал қилди.

Депутатлик гуруҳлари томонидан ўтказилган назорат-таҳлил тadbирлари давомида 13 та масала ўрганилиб, 15 нафар мансабдор шахс ҳисоботи эшитилди. Мисол учун, халқ депутатлари Марҳамат туман кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи Вазирлар Маҳкамасининг «Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлашда туман ДСИ ва ИИБ томонидан амалга оширилган ишларни ўрганишда туманда атиги иккита транспорт уюшмаси фаолият олиб бораётгани ва уларга бор-йўли 95 та транспорт эгаси аъзо бўлгани, аслида эса туманда 400 дан ортиқ транспорт воситаси аҳолига хизмат кўрсатаётгани маълум бўлди. Бу тadbир туфайли йўл қира ҳақларидаги номуносибликларга чек қўйилиб,

ноқонуний фаолият кўрсатаётган шахслар рўйхатдан ўтказилди. Андижон вилоятида 38725 та тadbиркорлик субъекти рўйхатга олинган, — дейди O'zLiDeP вилоят кенгашининг бизнес тузилмалари ва фермерлар билан ишлаш бўлими мудири Ҳасанбой Тилаловдиёв. — Улар йилнинг ўтган даврида 4477 та янги иш ўрни яратишди.

O'zLiDeP ҳамкорлари — Ўзбекистон Савдо-сановат палатаси, Фермер хўжаликлари уюшмаси, «Агробанк», «Микрокредитбанк», «Ипотекабанк», «Асакабанк» сингари муассасалар, Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш фонди, Сугурта бозорининг профессионал иштирокчилари уюшмаси билан ўтказилаётган ўқув-семинарларга Андижонда ҳам ало-

ҳида этибор қаратилаётганини таъкидлаш жоиз.

«Мустаҳкам оила йили»да партия ташаббуси билан ишлаб чиқилган «Мулкдор оила» лойиҳасининг Андижон вилоят босқичи ҳам муваффақиятли ўтди. Унда иштирок этиш учун 162 дан ортиқ деҳқон хўжаликлари ва оилавий тadbиркорлик субъектларидан аризалар тушган бўлиб, уларнинг 88 таси вилоят босқичида қатнашди.

Жумладан, Асака тумани Ибн Сино маҳалласида истиқомат қилувчи Шуҳрат Нурматов имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи йўлланма билан тақдирланди ва «Микрокредитбанк»нинг туман филиалидан 40 млн. сўм кредит олди. Худди шундай йўлланма билан Жалақулик тумани Гулистон қишлоғида яшовчи «Шафок локс» хусусий корхонаси раҳбари Улуғбек Ҳайдаров ҳам тақдирланди. Унинг трикотаж ва полиэтилен маҳсу-

лотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган бизнес-режаси учун 10 млн. сўм кредит ажратилди.

Хулоса қилиб айтганда, бошқа худудларда бўлганидек, Андижонда ҳам партия аъзолари «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» талаблари асосида депутатлик ва жамоатчилик назоратини кучайтириш учун изчил иш олиб бормоқдалар. Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир вазифалар ижроси юзасидан мансабдор шахслар ҳисоботини эшитиш, улар яқини бўйича амалий тақриф ва тавсиялар ишлаб чиқиш, сессиялар кун тартибига масалалар олиб чиқилганидан кейин зарур тавсиялар тайёрлашда депутатлар ўз фаолиятларини бугунги кун талабларига мослаштирмоқдалар.

Кучли қўйи бўғинга кучли кадрлар керак

Айни пайтда Андижон вилоятида 481 та бошланғич партия ташкилоти бўлиб, улар 11 363 нафар аъзони бирлаштирган ҳолда иш олиб бораётир



Жорий йилнинг ўтган даврида вилоят кенгаши томонидан «Бошланғич партия ташкилотларининг худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда ва O'zLiDePнинг дастурий мақсадларини амалга оширишда тугган ўрни ҳамда вазифалари мавзусида» ўқув-семинарлари ташкил этилди. Уларда БПТ раислари ҳамда туман (шаҳар) кенгашлари депутатлари ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш

масалалари атрофлича муҳокама қилинди. 389 БПТ раиси, 92 нафар туман (шаҳар) кенгаши депутати ҳамда 175 нафар партия фаолий иштирок этган тadbир танқидий таҳлилий руҳда ўтганини алоҳида таъкидлаш лозим. — Бошланғич ташкилотлар фаолияти таҳлил қилинганда улар ишида ёшлар ва аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошиб бораётгани маълум бўлди, — дейди

O'zLiDeP вилоят кенгашининг БПТлар билан ишлаш бўйича консултант Элёрбек Ниёзов. — Ҳозир БПТ раисларининг 162 нафари ёки 30 фондан ортигини 30 ёшгача бўлганлар ташкил этаётти. Вилоятда мавжуд 736 та маҳалла фуқаролар йиғини раисларининг 170 нафари ёки 22,3 фоизи O'zLiDeP аъзосидир. Бу эса жойларда партиянинг нуфузи ва маъқеи мустаҳкамланаётганидан далолат беради.

Шу ўринда O'zLiDeP вилоят кенгашининг истиқболли кадрлар захирасини яратиш масаласига жиддий ёндашаётганини алоҳида тилга олиш мумкин. Бунга эса O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси қарорига асосан Андижонда партия тузилмаси, давлат ҳокимияти вакиллик ва ижроия органларидаги бошқарув лавозимларига истиқболли кадрлар захирасини шакллантириш бўйича махсус комиссия билан ҳамкорликда иш олиб борилгани яхши самара берди. Ҳозир вилоят кенгашида 885 нафар кадрлар захираси шакллантирилиб, уларнинг 320 нафарини аёллар, 251 нафарини эса ёшлар ташкил этмоқда.

АЁЛЛАРГА КЕНГ ЙЎЛ БЕРИЛГ. ЧУНКИ...

Жорий йилнинг ўтган даврида O'zLiDeP Андижон вилоят кенгаши «Аёллар қаноти» томонидан 200 дан ортиқ тadbирлар ўтказилиб, уларда 6 мингдан зиёд хотин-қиз иштирок этди

Ушбу тadbирларда асосий этибор Президентимиз Ислам Қаримовнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгиланган устувор йўналишлар, вилоят ва маҳаллий кенгашлардаги депутатларнинг худудий дастурлар ижроси жараёнидаги иштироки масалаларига қаратилганини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Бундан ташқари Андижон давлат университетида Юртбошимизнинг «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рўхсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» ҳамда «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тadbиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари бўйича «Қулай ишбилармонлик муҳити — тadbиркорликни ривожлантиришнинг муҳим омили» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва сенаторлар, O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси вакиллари, тadbиркор ва фермер аёллар иштирок этдилар.

Тadbирда «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида O'zLiDeP «Аёллар қаноти» томонидан ишлаб чиқилган «Оилавий тadbиркорликдан — мустаҳкам оилага» лойиҳасининг Андижон вилоятидаги натижалари ҳам кўриб чиқилди. Шу ўринда вилоятда «Тadbиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари» ҳамда «Соғлом оила — мустаҳкам оила» сингари лойиҳаларга қизиқиш юқори



**ВИЛОЯТДА «ТАДБИРКОРЛИК
ТАМОЙИЛЛАРИ ВА
ИШБИЛАРМОНЛИК
ИМКОНИЯТЛАРИ» ҲАМДА
«СОҒЛОМ ОИЛА — МУСТАҲКАМ
ОИЛА» СИНГАРИ ЛОЙИҲАЛАРГА
ҚИЗИҚИШ ЮҚОРИ ЭКАНИНИ
ТАЪКИДЛАШ ЖОИЗ**

эканани таъкидлаш жоиз. — Ишчи-хизматчиларимизнинг 21 нафари O'zLiDeP аъзосидир, — дейди Асака туманидаги «Ўз Донг Вон Ко» қўшма корхонаси қошидаги БПТ раиси Шоирахон Толипова. — Бошланғич ташкилотимизнинг кунчи кеча бўлиб ўтган йиғилишида давлатимиз раҳбарининг «Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида яратилган шароитлар ҳақида атрофлича сўз юритилди.

— Кадрлар захирасини шакллантириш учун партия тизимида ёш етакчилар сафини кенгайтириш, уларни ўқитиш,

раҳбар лавозимларга тайёрлашга алоҳида этибор қаратаётганимиз, — дейди O'zLiDeP Андижон вилояти кенгаши раисининг аёллар масалалари бўйича ўринбосари Хуршида Халилова. — Бу борда «Оилавий тadbиркорликдан — мустаҳкам оилага», «Тadbиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари» каби лойиҳаларимиз муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу лойиҳаларда қатнашиш истагини билдираётганлар орасида иқтидорли қизлар кўпчилигини ташкил этаётгани кўриб қолдиқ. Негаки, ёш қизларимизнинг тadbиркорликка жалб этиш орқали уларни жамиятда муносиб ўрин эгаллашга эришиш мумкин.




О'ZLiDeP ИШТИХОН ТУМАН КЕНГАШИ

аъзолари таклифи билан 1 км. 700 метр масофага газ қувурлари тортилиб, аҳолининг газ таъминотини яхшилаш борасидаги талаби тўла қондирилди.



ҚҮРФОНТЕПА ТУМАНИДАГИ

нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи «Лаззат» МЧЖ қошида янги БПТ тузилди. Ҳозирча 10 нафар О'zLiDeP аъзосидан иборат ушбу бўғинга Ҳафизахон Хўжамназарова раис этиб сайланди.



О'ZLiDeP НАМАНГАН ШАҲАР КЕНГАШИДА

«БПТларнинг худудий ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва партиянинг дастурий мақсадларини амалга оширишдаги ўрни ва вазифалари» мавзусида махсус ўқув-семинар ташкил этилди.

2012 йил

4

октябрь,
пайшанба

БОШЛАНГИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

40 (464)-сон

e-mail: axborotXXI@yandex.ru, web sayt: www.21asr.uz

Масъулиятни ҳис этиб...

Муборак «Иссиқлик электр маркази» очик акциядорлик жамияти раҳбари, бошланғич партия ташкилоти етакчиси Комил Хайруллаевнинг таъкидлашича, туманнинг Шейх ва Қорабоғ қишлоқларида тадбиркорликни ривожлантириш, лалмикор майдонларда деҳқончиликни йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилмоқда


Сайфулла ИКРОМОВ,
«XXI ASR»

Айни пайтда жамиятнинг 445 кишилик жамоаси зиммасига Муборак газни қайта ишлаш заводини электр ва иссиқлик энергияси билан таъминлашдек масъулиятли вазифа юклатилган. Корхона энергетика тизимида узилтиш юз берган ҳолатда ҳам автоном режимда электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқара олиши билан бошқа корхоналардан тубдан фарқ қилади. Соҳа мутахассисларининг фикрича, мазкур корхона бир йилда ўртача 290 млн. кВт электр энергияси, 1 млн. 750 минг Гкал иссиқлик энергияси ишлаб чиқариб, истеъмолчига етказиб бериш мумкин. Бу ерда меҳнат ва дам олиш учун ҳам қулай шароитлар яратилган. Касаба уюшма кўмитаси томонидан ҳар йили ўнлаб ишчи-хизматчилар мамлакатимизнинг энг яхши шихатдоҳларига юборилмоқда. Айни пайтда «Иссиқлик электр маркази»да бешта цех бўлиб, улар ўртасида спортнинг барча турлари бўйича ўзаро мусобақалар ҳам йўлга қўйилган.

Шу ўринда бош муҳандис Роҳатали Ҳайитов, директор ўринбосари Бектемир Алтибаев, хавфсизлик техникаси хизмати бошлиғи Худойберди Қурбонов, цех бошлиқлари Акбар Тошев, Бахтиёр Хайруллаев, Дустқобил Омонов ва Илҳом Худойқўловнинг ишлаб чиқариш ускуналарини янгилаш, тақомиллаштириш ва ишончлироқ турларига алмаштириш борасидаги амалий таклифлари, ихтиролари корхонада иқтисодий самарага эришишнинг омилли бўлаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Айниқса, О'zLiDeP фаоли, корхонага узоқ йиллар етакчилик қилган Равшан Асамтидинов яратган янгиликларнинг амалиётга таъкид этилаётганини реал самара бераётгани. Масалан, илгари генератордаги техник ноқукамаллик туфайли уни бир йилда 10 мартадан кўпроқ ўчириб, таъмирлаш талаб этилган ва бунга бир йилда 70-80 миллион сўм маблағ сарфланган бўлса, бир гуруҳ мутахассисларнинг рационализаторлик таклифлари туфайли генератордаги ток йиғувчи қаттиқ халқа ўрнига эгилувчан ток йиғувчи кабели ўрнатилди. Натيجлада ускунанинг ишончилиги ва мустаҳкамлиги бир неча баробарга ошди.

Малакали мутахассис Акбар Тошев томонидан яратилган рационализаторлик таклифи билан эса йилга 100 млн. сўм иқтисодий самара олинмоқда. Ана шу янгилик туфайли ишлаб чиқариш самардорлиги кескин ортди. Умуман олганда, ўтган давр мобайнида ўнга яқин шундай рационализаторлик таклифлари билдирилиб, уларнинг аксарияти ишлаб чиқаришга муваффақиятли татбиқ этилди.

— Қарши давлат муҳандислик-иқтисодий институтини олимлари билан ҳамкорликда ҳам қатор янгиликларни амалиётга жорий этдик, — дейди бош муҳандис Роҳатали Ҳайитов. — Бунга йўзопайдан ва ёввойи ўсимликлардан биологик олиш йўлга қўйилганини мисол сифатида келтириш мумкин. Бошқача айтганда, корхонада ўсимлик поясини ҳавосиз жойда қиздириш йўли билан ўртача 20 фоиз кўмир,



30 фоиз табиий газ ва 50 фоиз ёнғичан суюқлик олиш мумкинлиги исботланди. Бунда Қарши муҳандислик-иқтисодий институтини олимлари Р.Рабинов ва Г.Узоқовнинг хизматлари катта бўлди.

Ишчи-хизматчиларнинг моддий манфаатдорлигини оширишда корхона ҳузурда паррандачилик ва чорвачилик йўлга қўйилганини ҳам таъкидлаш жоиз. Иссиқхонада этиштирилаётган сабзавот ва шитрус мевалар эса арзон баҳоларда сотилиб, олинган даромад соҳани ривожлантиришга йўналтириляпти.

Президентимизнинг 2011 йил 27 декабрдаги «2012 йилда Ўзбекистон республикасида инвестиция дастурлари ҳақида»ги қарорига асосан Муборак иссиқлик марказида 130-150 мегаватт қувватли газ турбина ускунаси қурилиши режалаштирилган бўлиб, мазкур лойиҳа амалга оширилгач, станция қувватини уч бараварга ошириш мумкин бўлади.

«Иссиқлик электр маркази»да партиявий фаолият ҳам яхши йўлга қўйилганини таъкидлаш жоиз. Айни пайтда корхонадаги бошланғич партия ташкилоти атрофида 30 яқин О'zLiDeP фаоллари бирлашган бўлиб, улар асосий эътиборни корхона фаолиятида йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш ҳамда келгусидаги вазифаларга қаратмоқдалар. БПТ етакчиси Комил Хайруллаев эса халқ депутатлари Муборак туман кенгаши депутати сифатида ҳам бошқаларга ўрнак бўляпти. У сайловчилар билан ўтказиладиган учрашувларда О'zLiDePнинг мақсад ва вазифаларини кенг тарғиб этиш, партиянинг қонунчилик фаолияти хусусида кенгроқ маълумотлар бериш ва шу орқали электроратта яратиб берилаётган имтиёزلарга алоҳида эътибор қаратмоқда.

— Яқинда сафдошларимиз кўмаги билан Муборакнинг Шейх ва Қорабоғ қишлоқларида тадбиркорликни ривожлантириш, лалмикор майдонларда деҳқончилик қилиш, чорвачиликни йўлга қўйиш борасида амалий ишларни бошладик, — дейди Комил Хайруллаев. — Қишлоққа саноатни олиб кириш, маҳаллийлаштириш доирасида ҳам ашёни қайта ишлаб, экспортга маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасида ҳам янги лойиҳалардан унумли фойдаланиляпти. Айни пайтда туман кенгаши депутатлик гуруҳи томонидан сессияга ёшлар бандлиги ва

маъмуриликни ошириш, уларни тадбиркорликка йўналтириш, молиявий қўллаб-қувватлашга оид иккига масала киритилмоқда. Корхонада БПТ фаолиятини жонлантириш, партия аъзоларининг ислохотлардаги иштирокини фаоллаштириш мақсадида тез-тез давра суҳбати ва учрашувлар ташкил этиляпти. Жумладан, яқинда бўлиб ўтган Ингилишда Президент Ислам Каримовнинг «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференциядаги маърузаси атрофида ўрганиб чиқилди.

Мухтасар қилиб айтганда,

ҳамиша одамлар орасида бўлиб, уларнинг дарду ташвишлари, қундалик муаммоларини чуқур ўрганиб, бартараф этишга кўмаклашиш, партиянинг эл орасидаги мавқеи охири борини БПТ етакчиси яхши анлайди. Унинг изла-нувчанлиги боис кўйи бўғин фаолияти кун сайин жанговарлик касб этмоқда. О'zLiDeP фаоллари аҳолини қўйиб кет-тилган қундалик муаммоларини амалий ишлари билан бартараф этиб, одамларнинг ишончини қозонишмоқда. Мамлакат иқтисодиётини юк-роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференциядаги маърузаси атрофида ўрганиб чиқилди.

«Аёллар қаноти»

КОРАКАЛПОГИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

О'zLiDeP «Аёллар қаноти»нинг Нукус шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги тадбири «Аёл ва унинг жамиятдаги ўрни» мавзусига бағишланди. Тадбир иштирокчилари асосан хотин-қизларнинг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига янги инновацион технологияларни кенг жорий этиш, жойларда қўшимча иш ўринларини яратиш масалалари хусусида фикр юритдилар.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

Маълумки, «Аёллар қаноти»нинг «Оилавий тадбиркорликдан — мустақам оилага» лойиҳаси тобора оммалашиб, аҳоли ўртасида катта қизиқиш уйғотмоқда. Самарқанд шаҳар «Лолазор» маҳалласида бўлиб ўтган «Тадбиркор — қонун ҳимоясига» мавзусидаги йиғилишда ҳам айни шу ҳақда сўз юритилди. Унда эркин меҳнат фаолиятини янада ривожлантириш, ўз ишини самарали йўлга қўйган малакали тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, маҳаллаларда сервис ва хизмат кўрсатиш учун кенг йўл очиш зарурлиги таъкидланиб, муҳим таклифлар ўртага ташланди.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

Асака туманининг бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказида бўлиб ўтган йиғилиш «Оилавий тадбиркорлик — аёллар бандлигини таъминлашда муҳим омил» мавзусига бағишланди. Тадбирда ижтимоий-сиёсий ташаббускорликни кучайтиришга қаратилган тарғибот тадбирларини, аввало, маҳалла ва улар қошидаги бошланғич партия ташкилотларида амалга ошириш, бунинг учун сиёсий фаолларни кенг жалб этиш лозимлиги таъкидланди.

Қоғоздагиси эмас, амалдагиси ҳисоб

2011 йили Тошкент вилоятида О'zLiDeP аъзолари 11 минг 84 нафарни ташкил этган бўлса, ўтган даврда уларнинг сони 334 нафарга ошди

Эмбдулла МҮМИНОВ,
«XXI ASR»

— Аммо бугун партия аъзолари сонидан кўра улар томонидан амалга оширилган ишларга кўпроқ эътибор қаратаёلمиз, — дейди партия Тошкент вилоят кенгаши ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудир Шерзод Мавлонов. — Бундан ташқари, партиянинг асоси бўлган БПТлар фаолиятини мустаҳкамлаш, улар ишини қоғозда эмас, балки амалда ташкил этиш энг долзарб вазифаларимиздан бирига айланган. Бу масалага О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши томонидан ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти. Хусусан, яқинда вилоятимизнинг бир қатор туман кенгаши-ларида О'zLiDeP Сиёсий Кенгашининг IV мажлиси қарорига асосан ҳамда «Бошланғич ташкилот — партия асоси: имкониятлар таҳлили ва фаолиятини тақомиллаштириш» акцияси доирасида «О'zLiDeP бошланғич партия ташкилотларининг худудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва партиянинг

дастурий мақсадларини амалга оширишдаги ўрни ва вазифалари» мавзусида ўқув-семинарлар ташкил этилди.

Уларда БПТ етакчилари фаолиятини ривожлантириш,

рашув, давра суҳбати ва мулоқотлар орқали қатор натижаларга эришляпти, — дейди Шерзод Мавлонов. — Бугун О'zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши О'zLiDePнинг депу-

Бошланғич партия ташкилоти ташаббускор ва ишчан бўлиши, партиянинг тактик вазифаларига мувофиқ иш шакли ва услубларини тез ўзгартириш қобилиятига эга бўлиши ва аҳолининг долзарб, қундалик муаммоларини хал этишда амалий тадбирларни бажариш билан шуғулланиши керак.

О'zLiDeP уставидан.

электрорат манфаати билан боғлиқ масалаларни изчиллик билан ўрганиш, депутатлик гуруҳи аъзолари томонидан жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни таҳлил қилиш ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасига тақдим этиш, жамоатчилик назоратининг самарадорлигини оширишга доир таклиф ва мулоҳазалар ўрганилди. Кўп ўтмай, ушбу семинарлар ўз самарасини бера бошлади. — Кенгашларда ўтказиладиган партиявий тадбирлар, уч-

тадлик гуруҳлари ўз атрофида 11 минг 418 нафар аъзони бир-лаштирган 585 та БПТга таянган ҳолда иш олиб борапти. Ҳа, чиндан ҳам Тошкент вилоятида ташаббускор, худуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига бефарқ бўлмаган, партиянинг дастурий вазифаларини бажаришда фаол иштирок этаётган бошланғич ташкилотлар талайгина.

Бироқ вилоятнинг Қуйи Чирчиқ, Бўка, Оққўрғон, Янгиўл каби туман кенгашлари тизимидаги БПТлар фаолияти суст эканини ҳам тан олиш лозим.

— Афсуски, айрим худудлардаги масъул ходимлар БПТлар фаолиятига совок-қонлик билан ёндашмоқдалар. БПТлар фаолиятини мунтазам таҳлил қилинмаяпти, — дейди Шерзод Мавлонов. — Сиёсий Кенгаш Ижроия кўмитаси томонидан қабул қилинган қарорларнинг БПТларга етиб бормаслиги ёки ижро этилма-лигининг боиси ҳам шунда. Ўрганишлар БПТларни партиянинг дастурий қўрсатмалари, қўлланма материаллари билан етарли даражада таъминланмаганини кўрсатапти. Шунинг учун ҳам вилоят партия ташкилоти БПТлар фаолиятини кучайтиришга алоҳида эътибот қаратмоқда. Агар жойларда бошланғич ташкилотлар ишини талаб даражасида йўлга қўя оласак, партияимизнинг сиёсий куч сифатидаги таъсирини ор-тириш ва жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш жараёнига фаол-ларимизни жалб этиш имко-нияти кенгайди. Туман ва ша-ҳар кенгашларидаги БПТ фа-олиятига масъул ходимлар ма-лакасини ошириш тизими йўлга қўйилганининг сабаби ҳам шунда. Шу тариқа партия аъзолари, унинг асосий элек-торати бўлмиш тадбиркор ва фермерлар учун ўқувлар ҳам ташкил этиляпти. Бундай чора-тадбирлар олиб бораёт-ган ишларимиз самараси қоғозда эмас, амалда кўрини-шини таъминлаши шубҳасиз.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ:

Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 20 йиллигига бағишлаб О'zLiDeP «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» ҳамда партия дастурини назарда тутилган устувор вазифалар доирасида «Еш олимлар ва тадқиқотчилар таълими» ўтказишга маълум қилади.

Танлов ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш, улар билан ҳамкорликда ўрта ва узоқ муددатли истиқболда мамлакатимизда амалга оширилган демократик ислохотларнинг қонунчилик, меъририй-ҳуқуқий базасини чуқурлаштиришга оид да-стурий мақсад ва вазифаларни муҳофаза этиш, партия кадрлар захирасига иқтидорли ёшларни жалб этиш, уларнинг касбий, ижодий ва хизмат соҳалари-да ўсишлари учун имконият яратиш мақсадида таш-кил этилмоқда.

Танловда 35 ёшгача бўлган, турли соҳаларда ил-мий изланишлар олиб бораётган мутахассислар ва тадқиқотчи олимлар иштирок этишлари мумкин.

Танлов иштирокчиларига қуйидаги долзарб йўналишлар бўйича ёзма илмий ишлари билан қатнашиш таклиф этилади:

I. Давлат ва жамият бошқарувини демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш соҳасида.
II. Сул-ҳуқуқ тизimini ислох қилиш соҳасида.
III. Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиёт-ни либераллаштириш соҳасида.

Танлов ғолиблирига барча йўналишлар бўйича энг яхши ишлар учун қуйидаги мукофотлар ажратилган.

1-ўрин учун — ноутбук;
2-ўрин учун — компьютер;
3-ўрин учун — нетбук.

Бундан ташқари, О'zLiDeP томонидан рағбатлантирувчи мукофотлар ҳам таъсис этилган.

Танлов ҳақидаги тўлиқ маълумотни WWW.uzldep.uz сайтдан олишингиз ва қўшимча ахборот учун (8371) 255-48-17 телефонига мууроҳат қилишингиз мумкин.

Мамлакатимизнинг барча худудларида

2013 йил учун

XXI ASR

ижтимоий-сиёсий газетасига

ОБУНА

бошланди.

Мууроҳат учун телефон: (8-371) 215-63-80



ХДП БАНКЛАР ФАОЛИЯТИДА ҲАМ ДАВЛАТ НАЗОРАТИНИ КУЧАЙТИРИШНИ ТАЛАБ ЭТМОҚДА

О'zLiDeP фракцияси аъзолари хусусий банклар ва молия институтлари учун кафолатлар тизимини мустаҳкамлаш тақдирини илгари сураётган бир пайтда ХДП, аксинча, давлат назорати кучайтирилиши тарафдори бўлмоқда. Хўш, бундай ёндашувдан мақсад нима?

Озод РАЖАБОВ

Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" асосида ишлаб чиқилган "Хусусий банклар ва молия институтлари ҳамда уларнинг фаолияти кафолатлари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси чуқур таҳлил ҳамда узоқни кўзлаган мезонлар асосида агрофлича муҳокама қилинмоқда.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши, шубҳасиз, мамлакат молия тизимини янада ривожлантириш, хусусий банклар, лизинг ҳамда суғурта компаниялари, микрокредит ташкилотлари каби хусусий мулкчиликка асосланган молиявий муассасалар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш орқали соҳада хусусий капитал иштирокини рағбатлантиришда муҳим аҳамиятга эгадир. Бир сўз билан айтганда, хусусий банклар ва молия институтлари фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солиш ва уларнинг кафолатларини янада кучайтириш қонун лойиҳасининг асосий мақсади ҳисобланади. Унда хусусий банклар ва молия институтларининг ташкил этиш тартибларининг ўзига хос хусусиятлари, улар фаолиятининг кафолатлари, шунингдек, бундай муассасаларни текшириш тартибларини аниқ белгилаб берилмоқда. Чунки хусусий банклар ва молия институтлари фаолиятини текширишни тартибга солиш улар эркинлигини таъминлашга хизмат қилади.

Депутатларнинг фикрича, қонун лойиҳасида хусусий банклар ва молия институтларига аниқ таъриф берилиб, кредит ва молия ташкилотлари сингари устав фондида умумий улushiннг 50 фоизидан ортиги жисмоний шахслар ҳамда устав фондида давлат улushi бўлмаган юридик шахслар томонидан шакллантирилиши кўрсатиб ўтиляпти. Шунингдек, соҳа фаолиятига давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг аралашishiга йўл қўйилмаслиги ҳақидаги қонунлар ҳам лойиҳада назарда тутилган. Унда мазкур тузилмаларнинг давлат ҳокимияти, бошқарув ва назорат қилувчи органлар билан ўзаро муносабатларининг амалдаги механизмини кучайтириш масалалари ҳам ўз аксини топган.

Этиборли томони шундаки, айнан ана шу жиҳатлар қонун лойиҳаси муҳокамаси чоғида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг ўз позицияларини баён қилиш нуктаи назаридан турли мунозараларга сабаб бўлди. Айниқса, О'zLiDeP фракцияси аъзолари ва ХДП вакиллари ёндашувларидаги қарама-қаршиликлар муҳокамалар жараёнида яққол кўзга ташланди.

Хўш, фракциялар ўртасида юзага келган баҳс ва мунозаралар қонун лойиҳасида

ги қайси қоида ва моддалар хусусида бормоқда?

Мунозараларда ХДП вакиллари қонун лойиҳаси қабул қилинганидан кейин банклар фаолиятини назорат қилиш бўйича мавжуд қоида ва нормаларни ўзгартириб юбормаслиги керак, деган

эҳтиёткорона ёндашувлар билан Концепцияда белгилаб берилган мақсадларга эришиш мумкинми? Бизнингча, йўқ.

Хусусий банк ва молия тизимига бундай ишонсизлик олдимизга қўйилган марраларга етишиш имконини

бу борада қандай кафолатлар ўз аксини топган? Аввало, унинг асосий қондалари билан бири хусусий банк ва молия институтлари таъсисчилари (иштирокчилари)нинг хусусий мулкка доир ҳуқуқлари дахлсизлиги таъминланиши ва давлат томо-

АЙТИНГЧИ, ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ЮЗАСИДАН ФАҚАТ СОҲАДА ДАВЛАТ НАЗОРАТИ ТИЗИМИНИ КУЧАЙТИРИШ Тўғрисида ФИКР ЮРИТИШ ЁКИ БАНК-МОЛИЯ СОҲАСИГА ЭРКИНЛИК БЕРИШ КУТИЛМАГАН ОҚИБАТЛАРГА ОЛИБ КЕЛИШИ ҲАҚИДАГИ ҲАДДАН ЗИЁД ЭҲТИЁТКОРОНА ЁНДАШУВЛАР БИЛАН КОНЦЕПЦИЯДА БЕЛГИЛАБ БЕРИЛГАН МАҚСАДЛАРГА ЭРИШИШ МУМКИНИ? БИЗНИНГЧА, ЙЎҚ.

мулоҳазани илгари сурганларига алоҳида эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: унда янги қонунга қандай эҳтиёж ва зарурат бор?

ХДП фракцияси аъзоси Алия Юнусованинг фикрича, банклар ва бошқа молия институтлари фаолияти юзасидан давлат назоратининг суъалантирилиши, уларга кўпроқ эркинлик ва преференциялар берилиши пировардида миллий банк-молия тизимининг барқарорлигига салбий таъсир кўрсатар эмиш. «ХДП бундан буён ҳам хусусий банклар ва молия институтларига максимал даражадаги эркинлик берилишига қарши туради», дейди у.

О'zLiDeP фракцияси аъзолари эса ҳозирги шароитда ХДПнинг бундай қарашлари билан умуман келиши бўлмаслигини таъкидламоқдалар. Уларнинг фикрича, иқтисодий тартибдорлиқнинг бугунги босқичида хусусий капитал оқимининг кўпайиши ХДП аъзолари давлат қилаётганидек эмас, аксинча, мамлакат банк-молия тизимининг барқарорлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

— Лойиҳа юзасидан фикр билдиришдан аввал унинг асл мақсади нимага қаратилганга эътибор бериш лозим, — дейди О'zLiDeP фракцияси аъзоси Абдуқодир Тошқуров. — Маълумки,

«Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да хусусий банклар ва хусусий мулкка асосланган молия институтларини ташкил этишнинг қонунчилик асосларини шакллантириш ҳисобидан соҳада хусусий капитални жалб этиш ҳақида сўз юритилиб, бу банк ва бошқа молиявий хизматлар бозорига рақобатнинг кенгайтириши ҳамда мижозларга хизмат кўрсатиш сифатининг ошишига имкон бериши, энг юқсак халқаро стандартларга мос инфратузилма шаклланиши учун қулай шароит яратиши алоҳида таъкидланган. Юқорида тилга олинган қонун лойиҳаси эса авваламбор ана шу кўрсатмаларни ҳаётга жорий қилиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Айтингчи, қонун лойиҳаси юзасидан фақат соҳада давлат назорати тизимини кучайтириш тўғрисида фикр юритиш ёки банк-молия соҳасига эркинлик бериш кутилмаган оқибатларга олиб келиши ҳақидаги ҳаддан зиёд

бермайди, албатта. Аксинча, ушбу қонун соҳага кириб келиши мумкин бўлган хусусий капитал учун аниқ кафолатлар тизимини ўзида намойиш этиши, иқтисодий либераллаштириш борасида кейинги йилларда амалга ошириладиган илҳомдорликнинг мўъжизаси бўлиб ўтган «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг рол ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференция ҳам мамлакатимиздаги ишбилмисликнинг муҳим тадбиркорлари, сармоядорлари қанчалар қизиқиш билан қараётганларини яққол кўрсатди. Ана шу қизиқишни бугун муҳокама қилинаётган долзарб қонунлар билан мустаҳкамлаш билангина Концепцияда белгилаб берилган мақсадларга эришиш мумкин.

— Асосий мақсадимиз Ўзбекистонни энг ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқиш экан, ҳар бир ҳаракат ва инициативамиз ана шу эзгу мақсадга ҳамроҳ бўлиши лозим, — дейди О'zLiDeP фракцияси аъзоси Нуриддин Муротов. — Муҳокама қилинаётган масалалардан келиб чиқиб, ривожланган давлатлар таърибига назар ташласак, Германиядаги молиявий операцияларнинг қарий 73 фоиз 400 дан зиёд хусусий банклар томонидан амалга ошириладиганига гувоҳ бўламиз. Худди шундай вазият Япония ва Буюк Британия сингари тараққий этган мамлакатлар таърибасида ҳам кузатилади. Шу нуктаи назардан, тақдир этиладиган қонун лойиҳаси қабул қилинганда, банк-молия соҳасига хусусий капитални жалб қилиш учун кафолатли ҳуқуқий асос яратилади, ривожланган мамлакатлардагидек мавжуд стандартлар миллий банк-молия тизимига жорий этилади.

Умуман олганда, фракция аъзолари фикрига кўра, тақдир этилган қонун лойиҳаси хусусий банк ва молия институтларининг ривожланишига хизмат қилувчи ҳуқуқий асос яратилади, ривожланган мамлакатлардагидек мавжуд стандартлар миллий банк-молия тизимига жорий этилади.

Хўш, қонун лойиҳасида

нидан ҳимоя қилинишининг белгилаб қўйилганидир. Партия ташкил топган кундан бошлаб назорат органларининг қорхоналар ҳўжалик фаолияти, биринчи гада, хусусий сектор ишига тўғридан-тўғри аралашшдан воз кечиши зарур, деган қатъий позицияни ёқлаб келмоқда. Шунингдек, қонун лойиҳасида давлат органлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш тузилмалари хусусий банк ва молия институтларининг кредит портфели ҳамда бошқа активларни шакллантириш билан боғлиқ масалаларига аралашши ман этиладигани ҳам О'zLiDePнинг Сайловдони дастурига тўла мос келади.

Хусусий банклар ва молия институтларининг молия-ҳўжалик фаолияти текшируви режали асосда 5 йилда бир марта ўтказилиши, уларга давлат органлари ҳодимлари томонидан етказилган зарарнинг қопланиши, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа идоралар ёки уларнинг мансабдор шахслари қарорларидан норози бўлганда давлат божли тўламадан судга мурожаат қилиш ҳуқуқи берилиши назарда тутилгани ҳам соҳага бериладиган кафолатлар тизимини янада кучайтиришга хизмат қилади. Айниқса, қонун лойиҳасида текшириш жараёнида юзага келадиган низолар ва қонун йўли билан ҳал этиб бўлмайдиган барча ноаниқликлар хусусий банклар ва молия институтлари фойдасига тақдир этилиши билан боғлиқ нормалар ўз аксини топаётгани ушбу ҳўжат аҳамиятини янада оширади.

Қонун лойиҳасида хусусий банклар ва молия институтлари фаолиятини тартибга солиш бўйича чора-тадбирлар тизими ҳам белгиланмоқда. Аммо бундай чекловчи меъёрлар бугун дунёда эътироф этилган халқаро стандартларга мос келиши керак. Шунинг учун ҳам бошқа партия фракциялари томонидан хусусий банклар ва молия институтлари устидан ортиқча назорат ўрнатилиши билан боғлиқ тўзатишлар киритилишига уринишлар мақсадга мувофиқ эмас.

Хулоса ўрнида шунни таъкидлаш лозимки, О'zLiDeP бундан буён ҳам бошқа соҳаларда бўлганидек, банк-молия тизимини ҳам давлат назоратини кучайтириш эмас, аксинча, улар учун кафолатларни янада мустаҳкамлаш йўли билан соҳани ривожлантириш мумкин, деб ҳисоблайди.

Реклама ўрни



Қишлоқ мулкдорининг яқин кўмакчиси

Мамлакатимиз иқтисодиётида тижорат банкларининг мавқеи тобора мустаҳкамланмоқда. Хусусан, аграр секторга йўналтирилаётган сармоялар қишлоқ ҳўжалиги экинларидан мўл ва сифатли ҳосил етиштиришда муҳим аҳамият касб этаётир. Бу борада молия муассасаларининг юқори даражадаги капиталлашув даражасини ҳам унутмаслик лозим

Шаҳзод НАЗАРОВ,
XXI ASR

«Агробанк» очик акциядорлик-тижорат банкнинг Қашқадарё вилоят бошқармаси жамоаси ўз олдига қўйилган талаблардан келиб чиқиб, мижозларга намуналарни хизмат кўрсатишга интиломоқда. Бугун банкнинг барча шаҳар ва туман бўлимларида асосий эътибор агросаноат тизимига кирувчи қорхона ва ташкилотларни молиявий қўллаб-қувватлаш, банкнинг депозит базасини мустаҳкамлаш, мижозлар сафини кенгайтириш, даромадлар миждорини ошириш, активлар сифатини яхшилаш, хуллас, бизнес-режада белгилаб берилган ларамдор бўйича белгиланган бошқа ишларни ўз вақтида бажаришга қаратилган. Айни кунда банк тизимини 16 та филиал, 70 та минн шохбча бўлиб, улар барча мулкчилик шаклидаги 22 мингдан зиёд юридик шахсга сифатли хизмат кўрсатиб келмоқда.

Утган давр мобайнида «Агробанк» ОАТБ вилоят бошқармаси томонидан қишлоқ ҳўжалик қорхоналарининг молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилди.

Аввало, тармоқда етакчи кучга айланган фермер ҳўжаликларига биринчи даражали эътибор қаратилмоқда. Уларнинг истиқболли лойиҳалари молиявий жиҳатдан ўз вақтида рағбатлантирилмоқда. Вилоятда етиштирилаётган мева-сабзавот, полив, чорва маҳсулотларини қайта ишлаш, бир қатор йирик санонат қорхоналарини фаолиятини йўлга қўйиш, жойларда озиқ-овқат салмоғини кўпайтиришга қаратилган лойиҳалар ана шулар жумласидандир. Жорий йилнинг ўтган саккиз ойи мобайнида жами ажратилган кредитлар миждори 6 млрд. 442 млн. сўмни ташкил қилди.

Аҳолининг гўшт ва гўшт маҳсулотларига бўлган талаб эҳтиёжини қондириш агросаноат тизимининг асосий вазифалардан биридир. Шу боис жойларда қорамоллар бош сонини, қўй-эчкилар туёғини кўпайтиришга қаратилган лойиҳаларнинг ҳам ҳиссаси оз эмас. Жумладан, тармоқ фаолиятини кенгайтириш учун жорий йилнинг ўзида 1 млрд. сўм кредит маблағи ажратилди. Фақат шунгина эмас. Қишлоқ ҳўжалик техникалари ва эҳтиёт қисмлар сотиб олиш учун

70 млн. сўм, мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришга эса 106 млн. сўм кредит маблағи йўналтирилди. Паррандачилик ҳамда асалари-чиликни ривожлантиришга 415 млн. сўм, иссиқхона ташкил қилишга 604 млн., интенсиив боғ ташкил қилиш ва кўплаб бошқа озиқ-овқат дастурлари билан боғлиқ лойиҳаларни молиялаштириш учун 1 млрд. 214 млн. сўм маблағ йўналтирилди.

Таъкидлаш жоизки, давлат эҳтиёжлари учун пахта ва галла етиштириш харажатларини молиялаштириш ҳам банк эътиборидан четда қолмаётгани йўқ. Жорий йил дон ҳосилини етиштириш ва нест-нобуд қилмасдан йиғиштириб олиш учун 27 млрд. 130 млн. сўм, пахтачилик соҳасига эса 76 млрд. 640 млн. сўм кредит маблағи ажратилди. Ушбу сармоялар бободоҳонга қўвват бағишлаб, муҳим агро-техник тадбирларни ўз вақтида бажариш ва мавсумни яқунлаш имконини бермоқда.

Умуман, «Агробанк» очик акциядорлик-тижорат банкнинг Қашқадарё вилоят бошқармаси пул-кредит сиёсати соҳасида яқинликл билан иш олиб бориб, иқтисодийнинг муҳим тармоқларини молиявий қўллаб-қувватлаш, мижозларга сифатли ва замонавий хизмат кўрсатиш учун барча имкониятлардан фойдаланмоқда. Бу эса янги ютуқларга замин ҳозирлаётганини қувонарли ҳолдир.

Тиббуёт

МАҚСАД — ШИФОКОРЛАРГА БЎЛГАН ИШОНЧНИ ОШИРИШ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ўзгаришлар, даволаш муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, кадрлар тайёрлаш таърибаси ва амалиоти, муаммо ва ечимлар» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Тадбирда соғлиқни сақлаш тизимида жами 9 та олий таълим муассасаси, жумладан, 1 та академия, 5 та институт ва уларнинг 3 та филиали, шунингдек, 78 та тиббий коллежи ҳамда олий таълим муассасалари қошида 13 та академик лицей фаолият кўрсатаётгани таъкидланди. Анжуманда олий маълумотли кадрларни тайёрлаш борасида тўлиқ икки босқичли таълим тизимига ўтирилган, яъни таълимнинг 1-поғонаси — бакалавриятда бирламчи даволаш-профилактика муассасалари — ҚВП, оилавий поликлиникалар, тез тиббий ёрдам станцияларида ишлаш ҳўқуқига эга бўлган умумий амалиёт шифокорлари, 2-поғона — магистратурада эса ихтисослаштирилган марказлар, клиника ва стационар бўлимларда ишлайдиган тор мутахассислар тайёрланаётгани маълум қилинди. — Соҳада эришилган улкан натижаларга қарамай, айрим ҳудудларда ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам бор. Уларнинг ечимини топиш учун биз чекка туманларга чиқиб, оддий фуқаролар хоши-истакларини ўрганишга, ўз навбатида, уларга тиббий маданият ва соғлом турмуш тарзи таълимларини тушунтиришга ҳаракат қилаёғимиз, — деди соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Асилбек Худаяров. — Иккинчидан, ана шу жараёнда аҳолининг шифокорларга бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш мақсадида тиббий ҳодимлари малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Табиат ўч олмоқда

XXI асрга келиб экологик вазият башариятнинг умумий муаммосига айланганига, буни сезмаслик, қўл қовуштириб ўтириш инсониятни ҳалокатга гирифтор этиш билан баробар эканига гувоҳ бўлмоқдамиз

Шухрат Хўжаев

Айни пайтда экологлар табиий мувозанатнинг издан чиқиб кетгани Ер юзиде тупроқ нураши, ўрмонлардан маҳрум бўлиш, тузли ёмғирлар, атмосфера ифлосланиши, озон қатлами бузилиши ва бошқа офатларни келтириб чиқараётгани бежиз таъкидланмапти. Натيجанда бутун дунёда экологик муҳитнинг ёмонлашуви билан боғлиқ турли-туман касалликлар ҳам ортиб борапти.

Агар ана шу ҳолатнинг олди олинмаса, биринчи навбатда, Яқин Шарқ, Африка, Осиёнинг катта қисми, Жанубий Европа ва Австралиянинг жиддий можаболар ва муаммолар гирдобиде қолажаги айтылапти.

Гапимиз исботи сифатида деярли ҳар кун сайёрамизнинг тоғ у, тоғ бу бурчағиде табиий офатларнинг рўй бераётгани, ўз навбатида, экологик мувозанатнинг бузилиши жуда катта салбий оқибатларни келтириб чиқараётганини айтиб ўтиш мумкин.

Хусусан, куни-кеча Япониянинг Окинава префектурасини оғир аҳолига солиб қўйган сув тўфонини олайлик. Хабарларга кўра, 2011 йилнинг 11 мартда рўй берган даҳшатли дунамини (Япония, шунингдек, Тинч океани акваториясидаги етти давлатни қамраб олган табиий офат қариб 15 900 нафар кишининг ҳаётига зомин бўлган, салкам 3 минг киши бедарак йўқолган) эслатувчи «Желеват» тайфуну натижасида оролдаги 330 мингдан ортиқ хонадон электр қувватисиз қолган. 4 минг аҳоли хавфсиз ерларга кўчирилган бўлсада, 65 нафар киши турли даражада тан жароҳати олган. Маълумотларга кўра, ёмғирнинг тинмай ёғиши, шамолнинг секундида 60 метр тезликке етиши на-

тижасида қирғоқларга «хамла» қилаётган тўқинлар баландлиги 12 метрга етган.

Таъкидлаш жоиз: метеорологларнинг тахминича, ушбу тўфон Япония пойтахти Токио томон ҳаракатланаётган бўлсада, қўшни давлатлар, жумладан, россияликлар Кунчиқар юртга яқин жойлар — Курил ва Сахалин ороллари, шунингдек, Узоқ Шарқда тегишли хавфсизлик чораларини кўриб қўйишмоқда. Зеро, Россия ФВВ жорий йилнинг июль ойида Краснодар ўлкасида содир бўлган табиий офатдан тегишли хулосаларни чиқарган бўлса, ажабмас. Ёдингизда бўлса керак: бир кунда ўртача 3-5 ойлик миқдорга тенг ёмғирнинг ёғиши, кичик дарёлар ва сув омборларининг тошиши оқибатида Крымскада 160, Геленжикда 10, Новороссийскада эса 2 нафар киши қурбон бўлган.

Эътиборлиси, бундай табиий офатлар булутли осмон ва ёмғир ёғишини олатий ҳол сифатида қабул қиладиган британияликларни ҳам қийин аҳволга солиб қўймоқда. Бинобарин, маълумотларга кўра, шу ҳафтада мамлакатнинг Дарем, Шимолий Йоркшир ва Шимолий Уэльс музофотларида бир ойлик миқдорга тенг ёмғир ёққан. Шамолнинг тезлиги эса айрим жойларда соатига 100 км.га етган. Кўпгина йўللари сув босиб, юзга яқин оилалар хавфсиз жойга кўчирилган.

Энг ажабланарлиси, сентябрь ойида сув тақчиллигидан азият чекалган Африка давлатлари тошқинлар гирдобиде қолди. Хусусан, қитъа гарбида бир кунда 100 ммдан ортиқ миқдорда ёмғир ёғиши ҳамда Нигер дарёси сувининг кескин қўпайиши оқибатида 52 нафар киши ҳалок бўлди. Дарё сувининг 1929 йилдан буён илк мартаба рекорд даражада кўтарилгани 400 минг нафар аҳолининг ўз уйини ташлаб кетишига сабаб бўлди.

Ҳақиқатан ҳам, экологик хавфсизликни таъминлаш, глобал иқлим исишининг олдини олиш масалалари инсоният олдида турган энг нозик, таъбир жоиз бўлса, ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда. Халқаро миқёсдаги йирик тадбирларнинг асосан ана шу муаммоларга бағишланаётгани ҳам муаммонинг нақадар долзарблигини кўрсатмоқда. Аксарият мутахассислар Ер шарининг экотизими смиритиш арасида турганини эътироф этиб, агар зудлик билан етарли чоралар кўрилмаса, дунё аввал кузатилмаган кенг миқёсдаги қурғоқчилик ва сув тошқинлари, вайронакор довуллар, юқумли тропик касалликлар, ҳарбий можаболар ва мислизи миграция таҳдидларига дучор бўлиши мумкинлигини бот-бот тақдорлай бошлади. XX асрнинг иккинчи ярмидан экологияга нисбатан инсон омилнинг салбий таъсири, минераллашган сизот сувлари сатҳининг кўтариллиши, шўрланиш, табиий унсурлардан нотўғри фойдаланиш, соҳага оид қонуналарга камчилик хунук оқибатларни келтириб чиқараётганини таъкидламоқ жоиз. Айниқса, глобал иқлим исиши инсониятни хавотирга солиётган асосий сабаблардан биридир. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, Ер ва Жаҳон океани атмосферасидаги йиллик ўртача ҳаво ҳароратининг аста-секин кўтарилиб боришига очиқ электроанализлар, автомобиль тутунлари, завод қувурлари ва бошқа ифлослантувчи манбалар ҳаво бўлишига йилга 22 млрд. тоннадан зиёд зарарли газларнинг чиқарилиши сабаб бўлаётган экан. Чорвачилик, ўғитдан фойдаланиш, кўмир ёқилиши ва бошқа манбалар эса йилга 250 млн. тонна метан ҳосил қилапти. Энг ачинарлиси — инсоният томонидан ҳавога чиқариб ташланаётган барча иссиқлик газларининг ярмига яқини атмосферада қолиб кета-



япти. БМТ ҳузурдаги иқлим ўзгаришларини ўрганувчи ҳукуматлараро экспертлар гуруҳи маълумотномаларида таъкидланишича, XXI аср охирига бориб ердаги ўртача ҳарорат олатдагидан 6,4 даража юқори бўлади.

Мана шундай шароитда олдилар иқлим ўзгаришларига бағишланган музокаралар жараёнида сиёсатчиларни инсоният учун ўта хатарли ҳаётларда бир ҳовуч қимсалар манфаатиға ён бермасликка чақирмоқдалар. Дарҳақиқат, рақамларга кўз ташласак, Ер шари аҳолисининг ярмидан кўпроғи (7 млрд.дан 4,3 млрд.) чучук сув еттишмайдиған ва қурғоқчилик ҳужм сураётган худудларда яшаётганини кўраимиз. Биргина Австралияда

табиий ва инсон омиллари оқибатида суғорилмаган ерларнинг 50 фоизи экин экишга яроқсиз ҳолатга келган. Ноорганик минерал ўғитлар, гербицидлар ва пестицидлар энг юқори нормалардан ҳпто ўнлаб баробар ортиқ миқдорда фойдаланилган сайёрамизнинг бошқа худудларида ҳам вазият бундан-да оғир. Улар тупроқни, дарё, қўл, ер ости ва ичимли сувларни ифлослантirmoқдалар. Турли кимёвий востилар, зарарли моддалар ва минерал ўғитларни, саноат ва курилиш материалларини сақлаш, ташини ва улардан фойдаланиш қондаларининг қўпол равишда бузилиши ҳам ернинг ифлосланишига сабаб бўлмоқда.

Дарҳақиқат, тупроқ ҳолати ва унумдорлигини ошириш билан боғлиқ масалалар барча мамлакатлар учун оғир муаммоға айланди, десак, муволаға бўлмайди. ЮНЕСКО маълумотларида сайёрамизда қишлоқ ҳўжалиғида фойдаланилган 1,5 миллион гектар ернинг ҳар йили 6-7 миллион гектари дегралацияға учраб, муомаладан чиқиб кетаётгани ташвишланарли ҳолат, дея баҳоланмоқда.

Албатта, табиат ҳолати бирданга ёмонлашиб қолгани йўқ. Бу узоқ давом этган жараёнди. Шундай экан, тараққийнинг ҳозирги босқичи ва келажиги ана шу муаммонинг қай даражада ҳал қилинишига боғлиқ. Табиийки, халқаро ҳамжамият атраф-муҳит шароитларини яхшилашга қанчалик кам эътибор қаратгани сайин табиат ҳам инсондан шунчалик кўп ўч олмоқда. Дунёнинг бир бурчағида кузатилаётган қурғоқчилик, иккинчи қисмида рўй бераётган сув тошқинлари, ана бир минтақалда содир бўлаётган ҳалокатли зилзила ва тунами бунинг яққол исботидир.

Бундан 2 йил муқаддам Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳри сув остида қолганини бир эста олайлик. Бу ерда сўнгги 20 йил мобайнида энг кучли сув тошқинлари юз берган эди ўшанда. Муттасил ёққан ёмғир шаҳар қўлтиғида сув сатҳининг 1,5 метргача кўтариллишига олиб

келди. Сув тошқинлари ва кўчклар туфайли камида 200 нафар кишининг ёстиғи куриди. Олимлар томонидан ўтказилаётган тадқиқотлар натижаси Жаҳон океанининг тала қисмида сув ҳарорати вақти-вақти билан ошиб, ҳаво бўшлиғининг юқори қатлами ва ҳарорати пасайиб бораётганини кўрсатапти. Сайёрамиздаги ана шундай муаммоларнинг пайдо бўлиш сабабларига тўхталар экан, британиялик машҳур табиатшунос-олим Дэвид Беллами энг асосий экологик муаммо Жанубий Америкадаги тропик ўрмонлар майдонининг камайиши эканини таъкидлади.

2010 йилнинг 1 мартда Исландиядаги табиий офат, аниқроғи — вулқон отилиши Европа худудида авиакатновларнинг оммавий бекор қилинишига сабаб бўлгани ҳам кўпчиликнинг ёдида бўлса керак. Натيجанда бир ойдан ошқароқ вақт мобайнида бутун дунё бўйлаб 63 мингдан ортиқ рейс бекор қилинган, 300 дан зиёд аэропорт ёпилиб, 7 млн.га яқин киши ўз манзилига етиб олиш имкониятидан маҳрум бўлган эди.

Кўп ўтмай эса Мексика кўрғазиде нефть платформасидаги портлаш ортидан «қора олтин» доғининг кенгайиб бориши, АҚШ президенти Барак Обама таъкидлаганидек, мамлакат тарихида мисли кўрилмаган экологик ҳалокатни келтириб чиқарди.

Маълумки, «Бритиш петролиум» компаниясига тегишли нефть платформасида кучли портлаш рўй бергач, икки кун ўтиб платформа сувга гарқ бўлгани натижасида ширкат ходимларидан 11 нафари ноубуд бўлиб, кунига 5000 баррел нефть денгизга тарқалган эди.

Мутахассислар таъкидлашларича, иқлим исиши таъсиридан келгуси беш йил орасида тахминан 1,5 мингта каттаю кичик музликлар батамом йўқ бўлиб кетиши мумкин. Жаҳон банкининг ўтган йилги ҳисоботида Тожикистондаги абадий

музликларнинг эришига фақат иқлим ўзгаришларигина эмас, балки атраф-муҳит ҳимоясига эътиборнинг сустиғи ҳам сабаб бўлган.

Аҳоли сонининг қўпайиши ва сувга бўлган эҳтиёжнинг ортиши, янги ерларни жадал ўзлаштириш, суғорма деҳқончиликни янада ривожлантириш, сув тақчил бўлган ерларда бир хил экинларнинг тақироран экилиши энг янги тарихдаги йирик глобал экологик ҳалокатлардан бири содир бўлишига — сайёрамиздаги энг қиройли сув ҳавзаларида бири-Оролнинг қуришига олиб келгани ҳеч кимга сир эмас, албатта.

Сўнгги эллик йил ичида Орол денгиз акваторияси сагҳи 4 баробардан кўпроққа қисқарди, сув ҳажми 10 мартаба камайди, унинг минераллашуви эса худди шу миқдорда ошди.

Экологик ҳавф доимий тус олиб, мавжуд худуд ва маҳаллий аҳолининг турмуш сифати ва саломатлиғига салбий таъсир кўрсатмоқда. Мўйноқдаги «кемалар қабири»ни ўз қўзи билан қўрган БМТ Бош қотиби Пан Ги Мун ҳам Марказий Осиё давлатларига сафари чоғида экологик муаммоларни ечишда ҳамкорликни қўчатиришга чақирган эди.

Хуллас, экологик хавфсизлик ва глобал иқлим исиши муаммоси дунёнинг ҳеч бир давлати ёки халқига бегона эмас. Бир жойда рўй берган табиий офат эртага бошқа давлатга етиб бормаслиғига ҳам кафолат йўқ. Орол денгизининг қуриб бориши, жаҳон океанларидаги ҳароратнинг ўзгариши ва ёзда Антарктида музликларининг эриши дунёнинг бошқа мамлакатларида акс-салдо бераётганига бутун жаҳоннинг нарги бир чеккасида содир бўлаётган табиий офатлар орқали гувоҳ бўлиб турибмиз. Шундай экан, бирон-бир мамлакат ёки халқнинг она-табиатни асраб-авайлашдек савобли ишдан четда туришга ҳаққи йўқ. Акс ҳолда, табиат ҳам биздан аёвсиз ўч олиши мумкин.

Эълон

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«АСАКА» БАНК (ОАЖ)

қуйидаги миллий валютадаги муддатли омонат турини таклиф этади:

«МУРАББИЙ-2012»

Сақланиш муддати — 3 йил.

Фоишлар ойма-ой ҳисобланиб, коммунал ва бошқа тўловлар (электроэнергия, иситиш, газ, иссиқ ва совуқ сув, телефон, ўқиш учун, даволаниш учун ва бошқалар)га йўналтирилади.

Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

Мурожаат учун: «Асака» банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13
«Автотранспорт» филиали	371	120-39-95
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36
Юнусобод филиали	371	221-80-67
Сирғали филиали	371	258-67-49
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13
Андижон вилоят филиали	374	224-40-96
Асака филиали	374	233-13-69
«Фарҳод» филиали	374	226-97-53
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83
Марғилон филиали	373	237-12-37
Олтиариқ филиали	373	432-10-11
Қўқон филиали	373	552-61-04
Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Навоий вилоят филиали	436	223-54-32
Зарафшон филиали	436	573-18-78
Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
«Афросиёб» филиали	366	221-77-56
Қашқадарё вилоят филиали	375	221-12-93
Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Қорақалпоғистон Республикаси филиали	361	770-60-59
Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

«Асака» банк (ОАЖ) сармоянғиз сақланиши ва қўпайишини кафолатлайди. Барча омонатларнинг Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

СИЗНИНГ ОМОНАТЛАРИНГИЗ:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.

Хизматлар лицензияланган!

ASR
Ijtimoiy-siyosiy gazeta
2013 йил учун
ОБУНА
БОШЛАНДИ!

Мурожаат учун телефон: (8-371) 215-63-80,
E-mail: axborotXXIasr@yahoo.com, web sayt: www.21asr.uz

Ishbilarmon, mardlik va shijoat sohibi, azmi qat'iy, tadbirkor va hushyor bir kishi ming-minglab tadbirsiz loqayd kishilardan yaxshidir.



**Мустақил юртимиз келажаги —
ёш авлод тарбияси йўлида
фидойилик кўрсатаётган
устоз ва мураббийларни касб
байрамлари билан самимий
муборакбод этади.**

**Келажаги буюк мамлакат
фарзандларини тарбиялашдек
масъулиятли вазифангизда
сизларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр,
хонадонингизга файз-барака тилаймиз.**

«МУБОРАКНЕФТГАЗ»

унитар шўъба корхонаси жамоаси



ASR
ЎТИМОЙ-СИЙОСИ ГАЗЕТА



TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR
HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-
DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Муҳаммадсўф ТЕШАБОВ, Абдурашид ЖУРАБОВ, Алишер ШАЙХОВ, Бактиёр ЯКУБОВ, Баҳодир ҒАНИЕВ, Зиндулла УБАЙДУЛЛАЕВ,
Илҳом НАСРИЕВ, Мухлиса АКРАМОВА, Раъшан ОХУНОВ, Шуҳрат НОРГИТОВ, Шуҳрат ОРИПОВ, Эркин ТОШЕВ, Қиём НАЗАРОВ
ТАХРИРИЯТ: Ошод РАҲАБОВ, Марк ЮСУПОВ, Зумрад АБРОРОВА, Шаҳод НАЗАРОВ, Сайфулла ИКРОМОВ, Асқор ИСТАМОВ, Темур АБДУРАҲМОНОВ,
Тоғир МИРХОДИЕВ, Насир ТОШЕВ, Шуҳрат ОХИЖИСОВ,
БОШ МУХАРРИР: Миродил АБДУРАҲМОНОВ МАТН ТЕРУВИЧИ: Раёна АБДУАЛИМОВА,
БЎЛИМЛАР: Қотибиёт — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, қатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80,
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ешлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50,
Қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).
ТАХРИРИЯТ МАНДИЛИ: Тошкент, Нуркус кўчаси, 73А-уй ЭЛЕКТРОН ПОСТЛА: axborot@liberal.uz, xq1_asr@yahoo.com, xq1_asr@mail.ru
ФАХРИ АСРдан олинган маълумотларда манба сифатида газета номини кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри тахририят нустани назардан фарқ қилиши мумкин.
«Ўзбекистон» НМИУ босмаханасида чоп этилди. Корона манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати
Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
«ЎХИ АСР» иқтимоий-сийосий газетаси Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009
рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.
Буюртма рақами: 15462. Тираж: 13 190.
Баҳоли қилишган нархда.
Толшриғиди — 2000

ISSN 2181-497X



4 772181 497009

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

Назбачилар:
О.РАҲАБОВ, Ш.РАҲИМОВ